

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*

*УДК\_\_\_\_\_*

**НУСРАТОВА НАСИБА ҒАФУРОВНА**

**Нутқнинг фонетик тежамкорлик тамойили махсус типдаги белгили  
тизим сифатида**

**5A120102 - Лингвистика (инглиз тили)**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:  
ф.ф.н. Шерматов А.**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I боб. Тил тежамкорлиги назариясининг тадқиқ қилиш тамойиллари</b> .....	10
1. Сўзлашув нутқининг тил ўзгаришларига таъсири.....	10
2. Тилнинг ўзгарувчанлиги ва тежамкорлик тамойили.....	14
3. Тежамкорлик ва нотежамкорлик.....	19
<b>I боб бўйича хулоса</b> .....	22
<b>II боб. Тежамкорлик тамойилининг тил сатҳларида ўрганилиши</b> .....	25
1. Фонетик сатҳ.....	25
2. Лексик сатҳ.....	32
3. Грамматик сатҳ.....	35
<b>II боб бўйича хулоса</b> .....	52
<b>III боб. Товуш ўзгаришларида фонцион энергия тежамкорлигининг роли</b> .....	55
1. Ундошлар талаффузида товуш ўзгаришининг сабаблари.....	55
2. Фонетик конвергенция ва дивергенция ҳодисаларида тил тежамкорлиги омили .....	61
3. Нутқ тежамкорлиги тамойилининг комбинатор ва позицион ўзгаришларда ифодаланиши .....	65
<b>III боб бўйича хулоса</b> .....	68
<b>Хулоса</b> .....	71
<b>Адабиётлар рўйхати</b> .....	75

## Кириш

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Бугунги кунда мамлакатимизда фан ва таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши самараси ўлароқ тилшуносликнинг назарий ва амалий соҳаларида олимларимиз олдига масъулиятли вазифалар юкланмоқда. Бундай вазифалардан бири чет тилларни ўрганиш ва ўргатишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини бунёд этаётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир".<sup>1</sup>

Ҳозирги замон тилшунослиги тилга ижтимоий ҳодиса – жамият тараққиёти курали сифатида қарайди. Шунга кўра, барча ижтимоий ҳодисаларга хос бўлган ривожланиш тилга ҳам хосдир. Бироқ ҳар бир ижтимоий ҳодиса муайян қонуниятлар асосида ривожланади. Жумладан, тил ҳам фақатгина ўзига хос бўлган қонуниятлар асосида ривож топади ва улар тилнинг ички қонуниятлари сифатида намоён бўлади.

“Дунё лисоний панорамасини акс эттиришга қаратилган замонавий умумий тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири бу фундаментал тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши каби жараёнларнинг тарихий асосларини ишлаб чиқишдир”.<sup>2</sup> Бунинг учун бизнинг назаримизда турли миллий филология мактабларида ривож топган анъаналарни ҳисобга олган ҳолда олиб борилган чуқур таҳлил энг муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.8.

<sup>2</sup> Ш. Сафаров. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. 92-б.

Тилнинг ҳозирги ҳолатини яхши тушуниш, унинг грамматик формаларини, фонетик қурилишини, луғат таркиби тузилиши ҳақида чуқур мушоҳада юрита олиш учун замонавий тилнинг ҳар бир ҳодисасини узок тарихий ривожланиш натижаси, муайян вақт оралигидаги қатор ўзгаришлар самараси сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Тилшуносликда турли сатҳ бирликлари, хусусан фонетик сатҳ бирликларининг системали тавсифини ўрганиш зарурдир. Ҳозирги кунда алоҳида тиллар, жумладан, ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларининг фонетик тизимини ёритиш борасида анчагина тажриба орттирилган. Бирок тил тизимлар мажмуи экан, у ҳар қандай тизим ўзаро қарама қарши қўйилиши ёки тилнинг бошқа тизимлари билан қарама қарши ўрганилишини тақозо этади. Бунинг учун эса тил ривожланишининг турли босқичларидаги ўзига хос систем ўзгаришларини ўрганиш зарур. Зеро, тил эволюциясини чуқур ўзлаштирмай туриб тилнинг синхрон тузилишини тўла таҳлил ва тадқиқ этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан танланган мавзу долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Диссертация ишининг предмети турли тизимли тилларнинг фонетик сатҳидаги ўзгаришларга сабаб бўлувчи тежамкорлик тамойили хусусиятлари ҳисобланади.

**Мазкур илмий ишнинг мақсади** – фонетик ўзгаришларда фонацион энергия тежамкорлигининг ролини тадқиқ этишдан иборат.

Диссертация ишидаги мақсадимизга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- 1) тил тежамкорлигини тадқиқ қилиш тамойилларининг лингвопрагматик аспектларини ўрганиш орқали уларнинг фонетик сатҳда воқеланиш хусусиятларини аниқлаш;
- 2) “тежамкорлик” ва “нотежамкорлик” зиддиятида фонетик тизим

эволюцияси характерини тадқиқ қилиш;

- 3) тил тежамкорлиги назариясининг турли сатҳларда ўрганилишига доир илмий тадқиқотларни сарҳисоб қилган ҳолда мазкур тамойилнинг тил тизимида жорийланиш хусусиятларини таҳлил қилиш;
- 4) Фонетик ўзгаришлар замирида бошқа омиллар билан бир қаторда тежамкорлик тенденцияси ётганлигини исботлаш орқали ўзгаришларнинг нутқ жараёнида лисоний шаклланиш хоссалари устида тадқиқот ўтказиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Диссертациянинг асосий ҳолатлари БухДУ профессор-ўқитувчи ва талабаларининг йиллик илмий-назарий анжуманида, Инглиз филологияси кафедрасининг “Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари” мавзусидаги 5- ва 6-материаллар тўпламида апробациядан ўтказилган.

Қуйидаги ҳолатлар ҳимояга олиб чиқилмоқда:

1. Тил ва нутқнинг ўзаро муносабати лисоний ўзгаришларга замин яратади. Тил ва нутқ ўртасидаги тафовутлардан бири эса тил - инвариант бирликлар тизими бўлса, нутқ (яъни, алоҳида сон-саноксиз нутқ актлари) доимо тил структурасининг вариантли воқеланишини намоён этади. Нутқнинг бирор муайян бирлигига бир қатор индивидуал вариантли воқеланишлар мувофиқ келади.

2. Тилдаги ўзгаришлар бир текис, олдиндан қўйилган мақсад натижаси сифатида рўй бермайди, улар соддалаштиришга интилишнинг зарурий давоми шаклида намоён бўлади.

3. Тежамкорлик назарияси тилдаги нотежамкорлик (ортиқчалик, редундантлик) назарияси билан узлуксиз алоқада таҳлил қилинади. Жумладан, лексикада бир-бирини такрорловчи компонентларни (дублет сўзлар, абсолют синонимлар) кузатамиз. Тил тизими бундай ортиқчаликни

бартараф этишга интилади. Нотежамкорлик эса тизимга зид келади ва ушбу зиддиятнинг ечими тизим ҳаракатининг ички турткиларидан бири ҳисобланади, чунки ортиқчаликнинг бўлиши ҳар бир синхрон тилга хос табиий, қонуний, муқаррар ҳодисадир.

4. Талаффуз тежамкорлиги идрок имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бунда мазмун плани етакчи ҳисобланади. Айтайлик, товуш деформацияси то маънонинг бузилишига олиб келгунга қадар давом этиши мумкин. Мунтазам фонетик жараёнлар ва ўзгаришларда талаффуз ҳаракатлари тежамкорлигига, талаффуз қулайлигига бўлган интилиш натижаси намоён бўлади. Фонетик жараёнлар товуш синишларига олиб келадикки, бунинг натижасида ўзак ва аффиксларнинг ранго-ранг шакллари юзага келади. Бошқача айтганда, бу турдаги стандарт бузилишлари талаффуз қулайлигига бўлган интилиш самарасида содир бўлади.

5. Тежамкорлик тенденцияси фонетик сатҳда товуш ҳосил қилиш жараёнлари қийинчиликларининг камайишида намоён бўлади. Тилдаги спирантизация ҳодисаси, унлиларнинг делабиализацияси, ҳамда и товушидан олдин ундошларнинг юмшайиши, конвергенция ва дивергенция ҳодисалари бунга мисол бўла олади.

6. Фонацион энергия тежамкорлиги тамойили самараси ўлароқ позицион ва комбинатор ўзгаришлар - жарангли товушларнинг сўз охирида ва жарангсиз товушлардан кейин жарангсиз талаффуз этилиши шунга қулай имконият яратилганлиги сабабли содир бўлади.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Бугунги кунда тилшунос олимларни тилга фақат мулоқот воситаси, қуроли дея берилган оддий таърифлар қизиқтирмай қўйди. Коммуникант томонидан муайян мақсадга эришишга мўлжалланган нутқ актлари нуқтаи назаридан фонетик ўзгаришларга ёндашув ва бу жараёнда тил воситаларининг иштирокини ўрганиш – танланган мавзунинг асосий хусусияти ҳисобланиб, бу масала бугунги кун тадқиқотчиларининг диққат марказида турибди. Жумладан, мазку муаммо В.Гумбольдт ва Ш.Баллиларнинг лингвофалсафий

концепцияларида, А.Гардинер ва Э.Бенвенистларнинг тил ва нутқ назарияларида, М.Бахтиннинг нутқ назариясида, Л.Выготскийнинг фаолиятнинг психологик назариясида, Д.Остин, Дж. Серль, П. Стросон, З. Вендлер ва бошқаларнинг нутқ актларининг мантиқий-фалсафий назариясида, Г.Грайснинг белгининг прагматик назариялари, ҳамда Л.Линскийнинг нутқ акти назарияларида акс этган .

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Тил тизимига оид қонуниятлар ҳақида гап кетганда, кўпроқ умумийликлар ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ, зеро аниқ бир коммуникантнинг индивидуал хусусиятлари ёки аниқ мулоқот ситуацияси муайян тил тизимининг умумий тенденцияларига мос келмаслиги мумкин. Бу эса, шаксиз, бизнинг тадқиқот методларимизда ўз ифодасини топган. Натижаларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида катта миқдордаги тил фактлари ва статистик таҳлилга таяндик. Шунини инобатга олган ҳолда, диссертация ишини ёзиш давомида биз қуйидаги **тадқиқот методларидан** фойдаландик:

- 1) *тасвирий метод* – орқали фонетик ўзгаришларга таъсир қиладиган прагматик параметрларни, ушбу жараённинг лингвистик ва экстралингвистик омилларини тасвирланди;
- 2) *кузатиш ва таҳлил методи* (бунга контекстуал, дискурсив, компонент таҳлил воситалари ҳамда функционал гуруҳларга бўлиш воситалари ҳам киради) орқали – кундалик ҳаётий ситуациялардан, бадиий адабиёт намуналари ва публицистик матнлардан, телевизион кўрсатувлар ва кинофильмлар олинган нутқ мулоқотларидаги товуш ўзгаришлари кузатилган нутқ актларини бўлақларга бўлиш ишлари олиб борилди, ундан кейин эса бу сўзларнинг қўлланилишида лингвистик ва экстралингвистик аспектлар устида таҳлил ишлари бажарилди;
- 3) *қиёсий-чоғиштирма метод* – орқали товуш ўзгаришлари хусусиятларига вақт кетма-кетлиги ва авлодлар алмашинуви таъсир

этишини ҳар хил давр нутқи ва ҳар хил авлод нутқини чоғиштирган ҳолда ўргангандик, умумий қонуниятлар ва фарқларни аниқладик.

Фактик материал манбаи сифатида биз асосан инглиз, ўзбек ва рус бадиий адабиёти ва публицистик матнларидан фойдаландик. Бундан ташқари қудалик ҳаётда ишлатидаган нутқ мулоқотларидан олинган ифодалар ҳам тадқиқот ишимизда материал сифатида қўлланилди. Умуман олганда, ишда 96 та инглизча ва 65 та ўзбекча, 28 та русча нутқ ифодалари таҳлил қилинди.

Ишда бадиий матнлардан нисбатан кенг фойдаланилганлигини шу билан изоҳлаш мумкинки, адабий матн мулоқотнинг муайян типини ўзида намоён этади. Адабий асар ўзида катта ҳажмдаги қайд қилинган контекстларни мужассамлаштиради. Бундан ташқари, бадиий асарлар муаллифлари жонли тилга хос бўлган хусусиятларни интуиция асосида ўз асарлари қаҳрамонларининг нутқида оғзаки нутқни намоёиш этадилар. Шунинг учун ҳам фонетик ўзгаришлар ишлатилган нутқ актларини бадиий асарлар материалида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** шундан иборатки, унинг яқунларидан тилшуносликка кириш, назарий фонетика, оғзаки нутқ амалиёти бўйича машғулотлар давомида, шунингдек, инглиз тилидаги суҳбат чоғида лисоний ва маданий интерференцияни камайтириш мақсадида шу тилда мулоқотга киришишни ўргатиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг **назарий аҳамияти** тилшунослик, маданиятлараро мулоқот, назарий фонетика каби фанларнинг кейинги ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши ҳамда тил тежамкорлиги тамойилининг янги қирраларини очишга эришиш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тил тежамкорлигига оид лисоний қарашлар тўпланган ҳолда умумлаштирилди, ҳозирги замон тилшунослари томонидан илгари сурилган ғоялар тизимлаштирилиб, жонли сўзлашув нутқидан олинган янги фактик материаллар билан бойитилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган манбалар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ёритилади, унинг назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилади.

Биринчи бобда – **“Тил тежамкорлиги назариясининг тадқиқ қилиш тамойиллари”** - тежамкорлик тенденциясининг муҳим қонуният сифатида шаклланиш жараёни тасвирлаб берилган; сўзлашув нутқининг тил ўзгаришларига таъсири таҳлил қилинган; тилнинг ўзгарувчанлиги ва тежамкорлик тамойили муносабатлари ўрганилган; тежамкорлик ва нотежамкорлик зиддиятининг тил диалектикасида воқеланиш аспекти аниқланган.

**“Тежамкорлик тамойилининг тил сатҳларида ўрганилиши”** деб номланган иккинчи бобда ҳар бир тил сатҳида, фонетик, лексик ва грамматик сатҳларда тежамкорлик тамойили муаммосининг ўрганилганлик ҳолати ёритилган.

Учинчи бобда – **“Товуш ўзгаришларида фонетик энергия тежамкорлигининг роли”** – фонетик сатҳда тежамкорлик тенденцияси натижасида содир бўладиган фонетик ўзгаришлар: ундошлар талаффузида товуш ўзгаришининг сабаблари, фонетик конвергенция ва дивергенция ҳодисаларида тил тежамкорлиги омили, нутқ тежамкорлиги тамойилининг комбинатор ва позицион ўзгаришларда фойдаланиши таҳлил қилинади.

Ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижалари ва яқунлари таҳлил қилинади.

# 1-БОБ. ТИЛ ТЕЖАМКОРЛИГИ НАЗАРИЯСИНИНГ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

## 1.1. Сўзлашув нутқининг тил ўзгаришларига таъсири

Тилга таъриф берилар экан, ҳали ҳануз ягона хулоса олимлар томонидан эътироф этилмаганлигини қайд этган ҳолда, А.Мартине "тил - бу муайян мақсадга хизмат қилувчи ифода воситалари тизими" дея таъкидлайди<sup>1</sup>. Бунда мақсад деганда, аввалам бор, алоқа ўрнатиш назарда тутилади. Шундай экан, тил тизимини функционал тушуниш, унинг маълумот етказиш воситаси сифатида эътироф этилиши тилнинг мулоқот қуроли эканлигидан келиб чиқади. "Айнан коммуникация, яъни барчанинг ўзаро бир-бирини тушуниши, тил деб номланувчи қуролнинг асосий вазифасини ташкил этади" - дея эътироф этади А.Мартине<sup>2</sup>.

Бевосита оғзаки коммуникациянинг энг тарқалган кўриниши - бу икки ва ундан ортиқ шахснинг ўзаро суҳбати ҳисобланмиш диалогдир. Унинг вазифасига суҳбатда иштирок этаётган сўзловчининг фикр ва ҳис-туйғуларини тингловчига сўз ёрдамида ифода этиш киради. Китобий ёки бадий сайқалланган ёзма нутқ маълумотни олдиндан тайёрланган ҳолда етказди.

А.Смирницкий<sup>3</sup> тил ҳамда нутқ ўртасидаги муносабатни шарҳлар экан, инсон нутқига оид умумий тушунчага кенг мазмунли таъриф беради. Унинг фикрича<sup>4</sup>, "инсон нутқи умуман олиб қаралганда, сон-саноксиз, чексиз нутқ актларининг маҳсулидир", унинг турли кўринишларида "айнан бир хил компонентлар ва бу компонентларнинг алоқа нутқида айнан бир хил

<sup>1</sup> Martinet A. A functional view of language. –Oxford: University Press, 1962. -P.17.

<sup>2</sup> Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып. III. –М., 1963. – С.371.

<sup>3</sup> Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1957. –286 с.

<sup>4</sup> Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1957. –С.11-12.

конуниятлар асосида ишлатилиши намоён бўлади. Ранго-ранг нутқифодалари мажмуаси ва бу компонентларнинг қўлланилиш қонун-қоидалари жамланмаси муайян тизимни яратади, бошқача айтганда, бу бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бири билан боғланган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабати йиғиндисидир. Мазкур бирликлар тизими эса тилдир".

Сўзлашув нутқи ва китобий нутқ бир бири билан солиштирилиши натижасида бир қатор лисоний оппозициялар намоён бўлади, бунда субстрат сифатида икки хил омил хизмат қилади - нолингвистик ва лингвистик.

Нолингвистик омил сифатида диалогик нутқнинг ўз вазифаларини амалга ошириш шартлари, айнан, муайян муҳит, тор доирали тематика (аксар ҳолларда), шароитнинг равшанлиги, қисқа вақтда жавоб қайтариш зарурияти, суҳбатдошининг нутқни (қисман) эшитиш ва кўриш қобилиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Лингвистик омиллар гуруҳига эса тилдаги аналогия, тежамкорлик ва интонация ҳодисалари киради<sup>1</sup>.

Нутқнинг (масалан, диалогик) қандай тил воситаларини танлаш қобилияти, шунингдек, сўзловчининг ўз фикри ва хис-туйғуларини ифодалашда муайян таъсирга эришишга интилиши, оғзаки маълумотнинг етказилиши ва қабул қилиниши вақтида инсон психикасида кузатиладиган бир қатор жараёнларга<sup>2</sup>, сўзловчининг шахсий хусусиятларига<sup>3</sup> ҳам боғлиқ.

Умуман олганда, лисоний мулоқот - етказилаётган маълумотларда мазмуннинг бирор семантик чекловларсиз кўп қирралилиги билан характерланади. А.Мартине таъкидлаганидек, "тил бу ҳамма нарсани

---

<sup>1</sup> Bach K., Harnish R.M. Linguistic Communication and Speech Acts. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 2004. – P.302-303; Crystal D. Prosodic Systems and Intonation in English. –Cambridge: Cambridge University Press, 1999. –P. 236-237.

<sup>2</sup> Penelope, Julia. Speaking freely: Unlearning the lies of the fathers' tongues. –New York: Garland, 2003. –P.147.

<sup>3</sup> Moon A.R. Functional Grammar. –London: Edw. Arnold, 2008. –P.109-110.

гапириш қобилиятидир" <sup>1</sup>, яъни мазмун мундарижасининг умумий ва хусусий, мавҳум ва аниқ, рационал ва эмоционал, нуқул хабар мазмунидаги ва тингловчини ҳаракатга келтирувчи, бевақт ва оний, ва шунга ўхшаш бошқа кўринишларидир.

Тилнинг функционал турлари (бу ерда сўзлашув ва китобий нутқ хусусида сўз бормоқда) орасидаги лисоний тафовутлар лексик сатҳда ва грамматик воситалардан – синтактик конструкциялар, гаплар, муайян грамматик шакллардан фойдаланиш жараёнида намоён бўлади<sup>2</sup>.

Сўзлашув чоғида у ёки бу грамматик форма муайян ҳолатда энг тўғри, айнан мос келувчи эканлигини танлашга вақт бўлмагани боис "танлаб олиш учун мумкин қадар тез ва осон шакл"дан фойдаланишга тўғри келади<sup>3</sup>. Бошқача қилиб айтганда, лисоний воситаларни танлаш жараёнида тилнинг барча лексик-грамматик воситаларидан миқдор жиҳатдан тўлиқ фойдаланилмаслиги тилдаги мавжудларидан "эркинроқ қўллаш" имкониятига эга бўлгани ва янги шаклларнинг пайдо бўлиши ҳисобига амалга оширилади.

Мулоқотнинг оғзаки нутқ шаклидан фарқли ўлароқ, ёзма нутқда лисоний воситаларни танлаш имконияти эркинроқдир<sup>4</sup>. Бунда суҳбатдошнинг ва кундалик контекстнинг бўлмагани, фикрни шакллантириш ва уни керакли усулда ифодалаш учун етарлича вақт борлиги китобий нутқнинг, яъни тил меъёрларидан, қабул қилинган усуллардан лисоний воситаларни атрофлича танлаб оладиган нутқнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Мартине А. О книге «Основы лингвистической теории Луи Ельмслева» // Новое в лингвистике, вып.1. –М., 1960а. –С.452.

<sup>2</sup> Quirk R. A Grammar of Contemporary English. -3<sup>rd</sup> ed. –London: Longman, 1993. –P.119-121.

<sup>3</sup> Moessner I. The English active verbal syntagm: A functional diachronic approach // Acta Soc. linguisticae europaeae. Folia linguistica historica. –Amsterdam, 2006. – Т.7, №1. – P.144.

<sup>4</sup> Penelope, Julia. Speaking freely: Unlearning the lies of the fathers' tongues. –New York: Garland, 2003. –P.186.

<sup>5</sup> Morris C.W. Writings on the General Theory of Signs. –The Hague: Mouton, 2000. – P.166.

Адабий тил меъёрлари (бадий адабиётда фойдаланиладиган ва намуна сифатида олинадиган тил) нуктаи назаридан сўзлашув нутқининг айрим шакллари "вульгарлик" касб этади<sup>1</sup>. Бироқ бу "вульгар шакллар" тилнинг объектив реаллигини акс эттиради ва кўп ҳолларда адабий тилга ҳам кириб бориб мустаҳкам ўрнашиб ҳам олади<sup>2</sup>.

Сўзлашув нутқи тилда содир бўладиган ўзгаришларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Жонли сўзлашувдаги нутққа хос булган конструкциялар, шакллар, ва сўзлардан фаол фойдаланиш адабий нутқни ривожлантиради ва мукаммалаштиради, яъни тилдан фойдаланиш ва ижтимоий жараёнлар шартлари остида содир бўладиган "нотўғри шакллар"<sup>3</sup> шаксиз тилнинг ҳолатига таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун ҳам нутқ фактларига етарлича эътибор бермаган бир қатор тилшунослар<sup>4</sup> ҳам кейинчалик уларга жиддий қарай бошлашди. Жумладан, бу жараён Ф. де Соссюрнинг илмий изланишлари<sup>5</sup> билан бошланиб унинг машҳур издоши Ш.Балли томонидан давом эттирилди<sup>6</sup>.

Демак, тил ва нутқнинг ўзаро муносабати лисоний ўзгаришларга сабаб ҳисобланади. Тил ва нутқ ўртасидаги тафовутлардан бири эса тил - инвариант бирликлар тизими бўлса, нутқ (яъни, алоҳида сон-саноксиз нутқ актлари) доимо тил структурасининг вариантли воқеланишини намоён этади. Нутқнинг бирор муайян бирлигига бир қатор индивидуал вариантли воқеланишлар мувофиқ келади.

---

<sup>1</sup> Shopen, Timothy. Language typology and syntactic description. – Vol. 1: Clause structure / Ed. by Timothy Shopen. –Cambridge etc.: Cambridge Univ. Press, 1995. –P.259.

<sup>2</sup> Ўша ерда. -Б.261.

<sup>3</sup> Stein D. The semantics of syntactic change: Aspects of the evolution of “do” in English. – Berlin; New York: Mouton de Gruyter, 1990. – P.120.

<sup>4</sup> Rosenbaum P. The Grammar of English Predicate Complement Constructions. – Cambridge, Mass., 1997. –P.87.

<sup>5</sup> Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. –М.: Прогресс, 1977. –696 с.

<sup>6</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1955. –С.77-78; Балли Ш. Французская стилистика. –М.: Изд-во иностр. лит., 1961. –С.110-112.

## 1.2. Тилнинг ўзгарувчанлиги ва тежамкорлик тамойили

Исталган тилнинг тарихини кузатар эканмиз унда доимий ўзгаришлар содир бўлишига гувоҳ бўламиз: нимадир пайдо бўлади, нимадир эса йўқолиб қолади. Шу ўринда И.А.Бодуэн де Куртенэнинг фикрлари<sup>1</sup> эътиборга лойиқ: "Тилда ҳеч нарса турғун эмас...Тилда, умуман, табиатда бўлганидек, ҳамма нарса ҳаёт кечиради, ҳамма нарса ўзгариб туради. Сокинлик, барқарорлик, ҳаракатсизлик - булар бизга шундай туюладиган ҳодисалардир, минимал ўзгаришлар содир бўлиши шарти остидаги яқка тартибдаги воқеликлардир".

Буларнинг бари ҳаракат ва турғунликнинг диалектик яхлитлигидан далолат беради. Бир томондан, ҳар бир тил муайян маънода тугалланган: ундаги барқарорлик ва индивидуал ўзига хослиги айнан шу билан изоҳланади. Бироқ нутқ жараёнида тил фақат ифодаланибгина қолмай, балки ўзгаради ҳам. Тилнинг ўзгарувчанлигини ҳар бир индивид нутқий фаолиятининг эркин характерда эканлигида кўрамиз.

Тил эволюцияси ҳақидаги ўз тадқиқотларида И.А.Бодуэн де Куртенэ "тадрижий" ("постепенность") ривожланиш тамойилига, лисоний жараёнлардаги вақтинчалик мослашувга диққатни қаратади.

Шуниси аҳамиятлики, Бодуэн де Куртенэ<sup>2</sup> лисоний ўзгаришларни руҳий ва физиологик энергиядан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш билан бабаравар боғлайди, яъни тил тежамкорлиги тамойилини эътиборга олади. Бу эса тасодиף эмас, чунки тил эволюцияси муаммоси ва шунга боғлиқ ҳолда тилдаги эволюция принципи И.А.Бодуэн де Куртенэ илмий изланишларида асосий ўринни эгаллайди. Олим томонидан лисоний ривожланиш ва ақлий ва жисмоний энергия тежамкорлиги масалалари ҳар тарафлама кўриб чиқилади.

---

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, -С.349.

<sup>2</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, -С.352.

Тилдаги ўзгаришлар бир текис, олдиндан қўйилган мақсад натижаси сифатида рўй бермайди, улар соддалаштиришга интилишнинг зарурий давоми шаклида намоён бўлади. Бодуэн де Куртенэнинг таъкидлашича, "Лисоний шаклларни соддалаштириш, тилда бир хил турдаги шаклларнинг борлиги, шакл ва мазмун, сўз ва фикрлар ўртасида нисбатан мослик бу илгаридан белгиланган мақсадга интилиш натижасида эмас, фақат нутқ жараёнини енгиллаштириш учун онгостида содир бўлувчи мнемотехник восита сифатида, ортиқча ҳаракатларни бартараф қилиш воситаси сифатида амалга оширилади" <sup>1</sup>. Ушбу фикрлар сўзловчининг нутқ аппаратининг ортиқча, кераксиз ишини бартараф қилиш ва алоқа жараёнини енгиллаштиришга интилиши билан боғлиқ бўлган тил тежамкорлиги тамойилининг моҳиятини ўзида акс эттиради. Бу орқали И.А.Бодуэн де Куртенэнинг тил тежамкорлигига оид асосий назарий кредосини яққол намоён бўлади.

"Лисоний ўзгаришларнинг умумий сабаблари" номли тадқиқотида И.А. Бодуэн де Куртенэ <sup>2</sup> тил ҳаракатининг 3 хил йўналишини белгилаб беради: 1) марказдан ташқарига ҳаракат, 2) ташқаридан марказга томон, 3) лисоний тафаккур. Шундан келиб чиқиб қуйидагича хулоса илгари сурилади: модомики тилдаги ҳар қандай ўзгаришлар куч сарфланишининг тежамкорлиги, интилиш ва ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги сабабли содир бўлар экан, инсон ақлининг фаолияти юқорида кўрсатилган 3 йўналиш қуйидагилардан бирининг тежамкорлиги самараси ўлароқ содир бўлади: 1) талаффуз 2) тинглаш 3) марказий мия фаолияти. Бодуэн де Куртенэ томонидан кўрсатиб ўтилган тил фаолияти ва тил ўзгаришларига оид мазкур 3 йўналиш бир хил натижага эришиш учун бир бири билан ҳар замон кесишиб туради. Шу сабабли қайси нутқ акти бўлмасин, барчасида лисоний фаолиятнинг шу уч йўналиши намоён бўлади.

---

<sup>1</sup> Ўша ерда, т.1, -Б.196.

<sup>2</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, -С.128.

Тил ривожланиши ички омилларнинг сезиларли ролига оид мазкур ғоялар кейинчалик Б.А.Серебренников томонидан давом эттирилди: "Товуш ва шаклларнинг ўзгариши ҳар доим ҳам тўғри чизикли хусусиятга эга эмас. Лисоний ўзгаришлар жараёнида бир тил тизими доирасидаги ички факторлар катта роль ўйнайди. Аналогия таъсири, асосларнинг ўзгариши, муайян асослар ва уларнинг шакллари ўртасидаги ўзаро таъсир ва б. - мазкур омилларнинг бари инобатга олинishi шарт" <sup>1</sup>.

И.А.Бодуэн де Куртенэнинг лингвистик қарашларига психологик йўналиш ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Гарчи у тилнинг мавжудлиги ва таракқиётини фақат психологик ҳодиса сифатида эмас, балки ижтимоий ҳодиса сифатида тушунтиради<sup>2</sup>: "мадомики, тил фақат инсонлар жамиятида бўлиши мумкин экан, биз руҳий томондан ташқари ижтимоий томонини ҳам доим назарда тутишимиз керак. Тилшунослик асосини нафақат индивидуал психология, балки социология ҳам ташкил этиши лозим". Яна бир бошқа жойда <sup>3</sup> И.А.Бодуэн де Куртенэ шундай ёзади: "Ўз моҳиятига кўра тилшунослик психологик ва социологик фандир".

Бошқа олимлар қатори А.Мартине ҳам тилнинг тўхтовсиз ривожланишда эканлиги ва бу жараёнда лексик, фонетик ва грамматик ўзгаришлар содир бўлиши ҳақида ёзади. Бунда тил нутқ жараёнида нафақат жисмоний балки ақлий ҳаракатларни минимум даражага келтиришга интилади. Ўзидан олдинги тадқиқотчилардан фарқли ҳолда А.Мартине лисоний ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида инсоннинг мулоқот эҳтиёжлари ва жисмоний ҳамда ақлий ҳаракатларни минимум даражага келтиришга интилиш ўртасидаги доимий зиддиятга эътибор қаратади.

---

<sup>1</sup> Серебренников Б.А. К проблеме сущности языка // Общее языкознание. –М.: Наука, 1970. –С.49.

<sup>2</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, –С.348.

<sup>3</sup> Ўша ерда, т.2, –Б.98.

Тил эволюцияси назарияси ва ундаги тежамкорлик принципи асосчиларидан яна бири А.А.Потебня номини тилга олиш мумкин. Унинг куйидаги аниқ концепцияси масалага янада ойдинлик киритади:

1. Тил доимо ривожланиш жараёнида бўлади, бунинг устига, Потебня таъкидлаганидек, эскини вайрон қилиш айна вақтида янгини барпо этишдир. Бундан ташқари, лисоний ўзгаришлар олимнинг фикрича "ҳали ҳамон янгиланишдан тўхтамаган ҳолда давом этомоқда" <sup>1</sup>.

2. Худди О.Есперсен <sup>2</sup> каби тил эволюциясида мавҳумликни кучайтиришга бўлган интилишни кузатишдан ташқари, А.А.Потебня айна пайтда унинг аниқ ҳодисаларни ифодалаш қобилиятининг ривожланишини ҳам қайд этиб ўтади.

3. А.А.Потебнянинг лисоний концепциясида грамматик (фонетик) ўзгариш масалалари катта ўрин эгаллайди.

4. Тилдаги у ёки бу товуш ва шаклларнинг аста-секинлик билан йўқолиб боришини А.Потебня "ичини бўшатиш" деб атайди.

5. Гарчи А.Потебня томонидан тежамкорлик тамойили атама сифатида тилга олинмаган бўлсада, айнан тежамкорлик тамойили билан боғлиқ масалаларни бир нечта тил сатҳларида (фонетик, грамматик, график) ҳал қилади.

А.А.Потебня томонидан юқорида қайд этилган муаммоларнинг ишлаб чиқилиши кейинчалик (И.А.Бодуэн де Куртенэ, Е.Д.Поливанов тадқиқотларида) тежамкорлик тамойили деб номланувчи масала ечимига ўз ҳиссасини қўшди ва тил эволюциясидаги етакчи омиллардан бири сифатида тўлиқ илмий-назарий асосга эга бўлди.

---

<sup>1</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. –т.Ш. –М.: Просвещение, 1968. – С.66.

<sup>2</sup> Есперсен О. Философия грамматики. –М.: Изд-во иностр. лит., 1958. –С.119.

Тил эволюциясига оид фикрларини жамлаган ҳолда, И.А.Бодуэн де Куртенэ тилдаги ўзгаришлар мушаклар ва марказий мия ҳаракатини тежашга интилиш натижасида содир бўлишини таъкидлайди. Шунинг билан бирга кўйидаги фикрларни қайд этиб ўтади: "Ҳаддан ташқари юзаки чизилган тил ўзгаришлари суратида яна бир мулоҳазани қўшиб қўйишим керакки, бу ўзгаришлар доимий ва чексиздир; турли замонларда ва турли жойларда бир биридан мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда, балки барча инсонларнинг фақат психик ва жисмоний тузилишига кўра доимий ўхшашлиги асосида, шунингдек тил ривожига таъсир этувчи шароитларнинг тасодифий ўхшашлигига боғлиқ ҳолда улар бир хил такрорланади; бу ўзгаришлар тилнинг тарихий узлуксизлиги жараёнида янги шаклларнинг узлуксизлигини таъминлабгина қолмай, бир маромда ривожланаётган тилни бир нечта қариндош тилларга бўлинишига, шунингдек бутун тизимнинг, яъни тил структурасининг қайта яратилишига сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар бетўхтов ва абадийдир, зеро уларни юзага келтирувчи сабаблар бетўхтов ва абадийдир" <sup>1</sup>.

Хуллас, И.А.Бодуэн де Куртенэ бошқа йирик олимлар қаторида ўз асарларида тил эволюцияси жараёнида тадрижийлик ва вақт кетма-кетлиги мавжудлигини қайд этиб ўтади. Бунинг устига тилдаги ўзгаришларни И.А.Бодуэн де Куртенэ нутқ тежамкорлиги тамойили билан боғлайди. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, тилшунослик тарихида биринчи бўлиб Бодуэн мазкур муаммо ечимида бир томонлама ёндашмади, у тилда нафақат тежамкорлик принципи ишлашини балки, айнан фонцион, аудицияли, ва фикрлаш тежамкорлиги борилиги ва уларнинг ўзаро алоқасини белгилаб берди.

---

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.2, -С.248.

### 1.3. Тежамкорлик ва нотежамкорлик

Тежамкорлик тамойили назариясининг моҳияти ахборот етказиш тезлиги (янада кенгроқ олинганда, инсон фаолиятида айнан нутқ жараёнини ташкил этувчи), хотира ҳажми ва қабул қилиш тезлиги билан белгиланади. Мазкур назария тилдаги нотежамкорлик (ортиқчалик, редундантлик) назарияси билан узлуксиз алоқада таҳлил қилинади. Жумладан, лексикада бир-бирини такрорловчи компонентларни (дублет сўзлар, абсолют синонимлар) кузатамиз. Тил тизими бундай ортиқчаликни бартараф этишга интилади. Нотежамкорлик эса тизимга зид келади ва ушбу зиддиятнинг ечими тизим ҳаракатининг ички турткиларидан бири ҳисобланади, чунки ортиқчаликнинг бўлиши ҳар бир синхрон тилга хос табиий, қонуний, муқаррар ҳодисадир.

Нотежамкорлик ҳақида илк бор И.А.Бодуэн де Куртенэ<sup>1</sup> сўз юритади. Унгача мазкур ҳодиса хусусида фақатгина О.Есперсен<sup>2</sup> (қисман Г.Пауль<sup>3</sup> тадқиқотларида кузатиш мумкин. О.Есперсендан бошқа Бодуэнгача ҳеч ким бу ҳодисага эътибор қаратмади. Ҳатто О.Есперсен ҳам нотежамкорлик ҳақида шунчаки фикр билдирган. Ундан фаркли ўлароқ Бодуэн ўз ишларида бу муаммога жиддий эътибор қаратган ҳолда атрофлича ёндашади. Унинг таъкидлашича, ортиқчалик тилдаги функционал юкка эга бўлмаган элементлар, хусусан, қўшимчаларнинг бартараф қилинишига олиб келади. Шу билан бирга, Бодуэн ортиқчаликни бартараф қилишга интилишнинг бўлишига қарамай тилда ҳали кўплаб эскилик сарқитлари, функционал тўлик юкланмаган шакллар мавжудлигини қайд этади<sup>4</sup>. Шунини таъкидлаш жоизки, И.А.Бодуэн де Куртенэнинг муаммо юзасидан олиб борган тадқиқотларига

---

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, -С.48.

<sup>2</sup> Есперсен О. Философия грамматики. –М.: Изд-во иностр. лит., 1958. – 404 с.

<sup>3</sup> Пауль Г. Принципы истории языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1960. –500 с.

<sup>4</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, -С.54 и др.

карамай тежамкорлик ва нотежамкорлик тамойиллари ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи тўлиқ ёритилмаган эди.

Тежамкорлик ва нотежамкорлик ўртасида қандайдир алоқа борлигини Ж.Вандриес<sup>1</sup> ҳам таъкидлайди. Жумладан, унинг изланишларида сўзларнинг семантик ва фонетик жиҳатдан эскириши натижасида ўзининг ифодалилигини йўқотиб муомаладан чиқариб юборилиши тўғрисидаги фикрларини эслатиб ўтиш жоиз. Бошқача қилиб айтганда, сўзлар шу залда коммуникативлик жиҳатдан ортиқчалик касб этади. Бу эса тежамкорлик тамойилига зиддир ва тил тизимидан чиқиб кетишга юз тутади. Кўриниб турганидек, Ж.Вандриес лингвистик таҳлил доирасини бироз кенгайтириб тил тежамкорлиги масаласинининг янада чуқурроқ ўрганилишига замин яратади. Бунинг устига лисоний ўзгаришларда авлодлар алмашинувининг таъсирини тан олмаган Ф. де Соссюрдан фарқли ўлароқ<sup>2</sup>, Ж.Вандриес (И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Е.Д.Поливановлар каби) тилдаги ушбу жараёнда турли авлодларнинг аҳамиятига алоҳида эътиборни қаратади<sup>3</sup>.

Шунингдек, Э.Бурсье ҳам тежамкорлик ва нотежамкорлик масалаларини бир бирига боғлаган ҳолда таҳлил қилади<sup>4</sup>. Унинг фикрига қараганда, тилда синонимларнинг кўплиги хотира фаолиятини кийинлаштиради, натижада тилдаги синонимлар фондининг муайян қисқариши тенденцияси юзага келади. Аста-секин нисбатан қулайроқ синонимлар ортиқча бўлиб бораётган ва тилнинг актив лексикаси таркибидан чиққан сўзларнинг маъно оттенкаларини ифодалай бошлашади. Бундан келиб чиқадики, Э.Сепирнинг<sup>5</sup> бир фикрни икки ва ундан ортиқ шакллар билан ифодалалашни тилнинг қобилятива бойлиги сифатида қабул қилиш керак, деган ғоясига Э.Бурсье шубҳа билан қарайди.

---

<sup>1</sup> Вандриес Ж. Язык: Лингвистическое введение в историю. –М.: Соцэкгиз, 1937. –С.114.

<sup>2</sup> Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. –М.: Прогресс, 1977. –С.152.

<sup>3</sup> Вандриес Ж. Язык: Лингвистическое введение в историю. –М.: Соцэкгиз, 1937. –С.370.

<sup>4</sup> Бурсье Э. Основы романского языкознания. –М.: ИЛ, 1952. –С.268-270.

<sup>5</sup> Сепир Э. Язык: Введение в изучение речи. –М.-Л.: Соцэкгиз, 1934. – С.110.

Бундан ташқари, ўзбек тилшунослигида тежамкорлик/нотежамкорлик масаласи Н.М.Махмудов<sup>1</sup>, Н.Махкамов<sup>2</sup>, А.Н.Нурмонов<sup>3</sup> тадқиқотларида таҳлилга тортилган.

А.Мартине тилда доимо мавжуд бўлган "барча сатҳларга хос лисоний шакл ортиқчалигини" қайд этади. Унинг таъкидлашича, нотежамкорлик тил ҳаётининг зарурий шартидир.

Тежамкорлик ва нотежамкорликнинг бир бирини тақозо этиши тежамкорликнинг бир сатҳда (масалан, синтаксисда) ва нотежамкорликнинг бошқа сатҳда - семантикада (мазмунда) воқеланиш имконияти мавжудлиги орқали бевосита намоён бўлади. Ушбу жараёнлар ҳар иккала сатҳда бўлакларга бўлиниш имконияти натижасида юзага келади.

Бундан маълум бўладики, тилдаги тежамкорлик/нотежамкорлик ходисаларига (умуман, яхлит тилга) нисбатан структура тушунчасинининг қўлланилишига тўла асос бор. А Мартиненинг таъкидлашича<sup>4</sup>, айрим олимлар структура атамасини "тилдаги муносабатларни тавсифлаш андозаси (моделли)" деб ҳисоблашса, бошқалар структурани тилнинг ўзидан қидириш зарурлигин тасдиқлашади. Биз эса бу масала ечими юзасидан А.Мартиненинг ёндашуви тарафдоримиз (202, с.4): "Тилнинг ўзида "структура" деган нарса йўқ..., бундай аталадиган нарсанинг ўзи эса тилшунос томонидан муайян материални таснифлаш учун ўйлаб топилган тавсиф схемасидан (a frame) бўлак нарса эмас". Структура тушунчаси (бизнинг изланишимизда - фонетик структуралар) биринчи навбатда шунчаки тавсифлаш воситаси сифатида эмас, балки танланган лингвистик объектнинг онтологик хусусиятларини

---

<sup>1</sup> Махмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент. 1978. -25 с.

<sup>2</sup> Махкамов Н. Аффиксальный и лексико-аффиксальный плеоназм в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент. 1983. -22 с.

<sup>3</sup> Нурмонов А.Н. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент. 1973. -21 с.

<sup>4</sup> Мартине А. О книге «Основы лингвистической теории Луи Ельмслева» // Новое в лингвистике, вып.1. –М., 1960а. –С.454-455.

очиш учун қўлланилади. Бу билан 1) элементлар 2) улар орасидаги муносабат 3) алоқадор яхлитликларнинг муайян йиғиндиси сифатида қаралаётган мазкур лингвистик объектнинг ҳаққоний даражасини оптимал шаклда кўрсатишга эришилади. Шу сабабдан муайян лингвистик объектнинг умумий таҳлилини унга алоқадор хусусиятларининг алоҳида сатҳлари - фонетик, семантик (лексик), морфологик, синтактик сатҳлари нуктаи назаридан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

### **1-боб бўйича хулоса**

Тил бу мураккаб динамикага эга тизим бўлиб, у ўз моҳиятига кўра ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Тил тизимининг адаптивлик (мослашиш) хусусияти унинг таркибий тузилмаларида ва ундан фойдаланиш усулларида мунтазам мослашувчи ўзгаришларга замин яратади.

Тил тизимининг адаптивлик хусусияти билан унинг турғун ҳодиса эмаслиги билан ҳам тушунтирилади. Бу билан янги лисоний ҳодисалар - янги бирликлар, янги муносабатлар ва янги тузилмаларнинг юзага келиш жараёнлари учун шароит яратилади.

Мазкур тенденция мослашиш жараёнларига олиб келиши билан бирга тил тизимининг мураккаблашиш жараёнларига муайян даражада қарши таъсир вазифасини ҳам ўтайди. Шу аснода тилда содир бўлаётган ўзгаришларнинг тегишли чегарадан чиқмаслигини таъминловчи (нутқдаги талаффуз ва эшитишнинг психофизиологик имкониятлари, инсон хотираси имкониятлари ва б. билан бошқариладиган) тенденциялар юзага келади. Бу билан эса тил тизимининг ўз-ўзини бошқариши кузатилади.

Тилни мураккаб динамикли тизим сифатида тушуниш тил ўзгаришларининг дастлабки шарт-шароитларини кузатишга имкон беради. Бу ўзгаришлар тизимли структурага эга тил табиатининг илдизида жойлашган бўлади. Мазкур ёндашув тил эволюциясига оид умумий тенденцияларни аниқлаб олишда қўл келади. Жумладан, 1) тил тизимининг

инсоннинг коммуникатив ва тафаккур фаолиятидаги ўзгаришларга адаптацияси ва 2) алоҳида тил тузилмалари ва тил сатҳларидаги коррелятив ўзгаришлар орқали тил тизимининг ўз-ўзини бошқаруви ушбу тенденцияларга мисол бўла олади.

Тилдаги ўзгаришлар шартларини англаб олиш учун нутқ фаолиятининг қуйидаги психолингвистик қонуниятларини назарда тутиш зарур: 1) лисоний бирликлар семантикасининг индивидуал-психологик ўзгарувчанлиги; 2) айтилган фикрнинг мулоқот жараёнига дахлдорлиги ва ўз навбатида бу дахлдорликнинг айтилган гап семантикасида ситуатив ўзгаришни тақозо этиши; 3) нутқ компонентларининг семантик дискретлилиги, уларнинг ўзаро муносабати, ўзаро семантик ўзгариши. Натижада нутқ фаолияти мазмун планининг ғоятда ранг-баранг вариантлилиги билан характерланади. Бу эса ўз навбатида лисоний силжишлар учун, якка шахс нутқидаги бир марталик ўзгаришларнинг тил даражасидаги ўзгаришларга ўтиши учун замин яратади.

Мазмун плани ва ифода планларининг мунтазам турланиши бу тилнинг коммуникатив тизимда қўлланиладиган ҳаётий эҳтиёждир. Ўзгариш бу инсон нутқ фаолиятининг фаол табиати сифатида намоён бўлиб унинг натижасида тил доимий равишда бир шаклдан бошқасига кўчиб юради. Тил структурасини ўзгартирадиган нимаики бўлса у аввало нутқда содир бўлади.

Тилшунослик фанининг етук олимлари ўз асарларида тил эволюцияси жараёнида тадрижийлик ва вақт кетма-кетлиги мавжудлигини қайд этган ҳолда тилдаги ўзгаришларни нутқ тежамкорлиги тамойили билан боғлайди. Тилнинг тўхтовсиз ривожланишда эканлиги ва бу жараёнда лексик, фонетик ва грамматик ўзгаришлар содир бўлиши тил қонуниятларини белгилашда ўта муҳим ҳисобланади. Бунда тил нутқ жараёнида нафақат жисмоний балки ақлий ҳаракатларни минимум даражага келтиришга интилади. Зеро, лисоний ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида инсоннинг мулоқот

эҳтиёжлари ва жисмоний ҳамда ақлий ҳаракатларни минимум даражага келтиришга интилиш ўртасида доимий зиддият мавжуд.

Тежамкорлик ва нотежамкорликнинг бир бирини тақозо этиши тежамкорликнинг бир сатҳда (масалан, синтаксисда) ва нотежамкорликнинг бошқа сатҳда - семантикада (мазмунда) воқеланиш имконияти мавжудлиги орқали бевосита намоён бўлади. Ушбу жараёнлар ҳар иккала сатҳда бўлакларга бўлиниш имконияти натижасида юзага келади.

## 2-БОБ. ТЕЖАМКОРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ТИЛ САТҲЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

### 2.1. Фонетик сатх

Тил эволюцияси жараёнида тилнинг луғат таркиби билан бир маромда товуш тизими ҳам мунтазам ўзгариб боради: товушлар сони тафовутланади, янги товуш яратиш кўникмалари шаклланади ва ҳ.к.

Тил эволюциясининг фонетик назарияси соҳасида изланишлар олиб борган олим Е.Д.Поливановнинг<sup>1</sup> ғоялари тилни жамоа аъзоларини бирлаштирувчи меҳнат фаолияти сифатида тушуниш асосида ривожланган. Нутқ жараёни таркибига у "фонация" ва "эшитиш" (ёки "апперцепция") актларини киритади. Фонация акти вазифасига "муайян белгиларни минимум энергия сарфлаган ҳолда эшитиладиган (ва ажратиб олинадиган) акустик натижа яратиш" киритилади. Албатта, фонация акти керакли куч ва аниқликда амалга оширилади. Олимнинг фикрича, тежамкорлик исталган нутқ меҳнат фаолияти хусусияти ҳисобланади. "Бизнинг фонетик фаолиятимизнинг ўзига хос жиҳати" саналган максимум тежамкорлик доим ҳам исталган сўзлашув жараёнининг зарурий омили бўла олмайди.

Фонацион энергия тежамкорлиги деганда, Е.Д.Поливанов<sup>2</sup> муайян товуш комплекси фонацияси учун зарур бўладиган вақт тежамкорлиги билан бир қаторда алоҳида артикуляциялар қисқаришини, куч тежамкорлигини назарда тутлади. Айни чоғда фонация учун зарурий вақт тежамкорлигидан ташқари алоҳида артикуляциялар қисқариши ҳар доим ҳам нутқ фаолияти учун фойдали тежамкорлик бўлавермаслигини Е.Е.Поливанов қайд этади. Сўзловчининг тез гапириши меъёрий темпдаги нутқдан кўра қийинроқ бўлиши ва тез бажариладиган тафаккур операцияларини талаб қилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С.100-119.

<sup>2</sup> Поливанов Е.Д. Русский язык сегодняшнего дня // Литература, кн.4 [Институт языка и литературы]. –М.: Госиздат, 1928в. –С.167.

Умуман олганда, тилдаги товуш ўзгаришларини Е.Д.Поливанов<sup>1</sup> бир товуш ичида содир бўлувчи ва бошқа товушларга таъсир кўрсатмайдиган ўзгариш сифатида қарайди. Аниқроғи бир товуш ўзгариши тилнинг фонетик тизимига таъсир этмайди. Ўз йўналишини аниқловчи бу турдаги ўзгаришларнинг умумий тамойили "товуш ҳосил қилиш қийинчиликларини камайтирувчи" тежамкорлик тамойилидир. Бунда спирантизация (аффрикатлардаги портловчи элементнинг йўқолиши), айрим тиллардаги тилолди лабланган унлилар делабиализацияси, [i] товушидан олдин ундошларнинг юмшалиши каби фонетик ҳодисалар назарда тутилади<sup>2</sup>.

Талаффуз энергияси тежамкорлиги тенденциясини, Е.Д. Поливанов<sup>3</sup> айрим сўзларнинг турли шаклда, яъни баланд ёки паст овозда, тез ёки секин, равон ёки мужмал, пинғиллаб, ҳаттоки бурун орқали талаффуз этилсада, айнан ўша сўзнинг ўша маънода тушунилиши ҳолатлари орқали изоҳлайди.

Яна бир бошқа тадқиқот ишида<sup>4</sup> Е.Д.Поливанов талаффуз (фонацион) энергиясининг қисқариши тенденциясининг баъзан **максимал даражада** намоён бўлишини қайд этади. Бунга мисол тариқасида тез-тез ишлатиладиган, маъноси осон фаҳмланадиган, башқа сўзлар билан аралаштириб юборилмайдиган сўзларни келтиради: рус. *здравствуйте* → *здраствуйте* → *здрасте* → *драст* → *драс* → *драс* → *эссс* → *сс* ёки *государь* → *осударь* → *сударь* → *сда* → *ста* [пожалуйста сўзидаги]; ўзб. *тақсир* → *тасир* → *тас*. Одатда учрайдиган **минимал даражали** фонацион энергиянинг қисқариши тенденциясига: мураккаб товуш бирикмаларидан бир товушнинг тушиб қолдирилиши, масалан, рус. *солнце* → *сонце*, лот. *est* француз тилида *E* шаклида, *Augustus* «август» ягона товуш *и* га айланган

---

<sup>1</sup> Поливанов Е.Д. Задачи социальной диалектологии русского языка // Родной язык и литература в трудовой школе. –М., 1928б. –№2. –С.39.

<sup>2</sup> Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С.121.

<sup>3</sup> Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. – Вып.1. – Введение. – Ташкент: Госиздат, 1935. – С.24.

<sup>4</sup> Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Ташкент: Госиздат, 1934. –С.120-121.

(франц. *Аоїт*) ва ҳ.к.; қийинталаффузли товушларнинг осонларига алмаштирилиши (кенг тарқалган аффрикатларнинг спирантизацияси Ц→С, Ц→Ш ва б.) киради.

Жарангли ундошларнинг жарангсизлардан олдин ва сўз охирида жарангсиз, яъни жарангсизлантиришга қулай позицияларда талаффуз этилишини Е.Д.Поливанов "фонацион энергия тежамкорлиги" тенденцияси таъсирининг натижаси деб ҳисоблайди<sup>1</sup>, қиёсланг: рус. *лоб* – *лоп*, *муж* – *муш*, *воз* – *вос*, *трубка* – *трупка*, *сказка* – *скаска* ва ҳ.к.

"Тежамкорлик тенденцияси" термини орқали Е.Д.Поливанов<sup>2</sup> одатда талаффуз ҳаракатларини қисқартириш ёхуд енгиллаштиришни назарда тутди. Фонацион қувват тежамкорлигини олим мураккабдан соддалаштириш эволюциясига эга бўлган қуйидаги ҳолатларда ҳам кузатади: уч ёки тўрт товушдан иборат сўзлар икки ҳатто бир товушга айланади, масалан, ҳ.-е. *esti* → лот. *est* → франц. *e* [-e(st)].

Шундай қилиб, икки йўналишдаги фонетик ўзгаришларга мувофиқ Е.Д.Поливанов тежамкорликнинг икки турини белгилайди: 1) фақат фонацион тежамкорлик (кейинчалик, "талаффуз қулайлиги"<sup>3</sup> деб юритила бошланди) - ҳар бир нутқ актида воқеланади ва фонетик жиҳатдан муҳим бўлмайди, ҳамда 2) "психик фаолият тежамкорлиги"<sup>4</sup> - нутқ амалиётидан импульс олади, бироқ муайян фонема ёки фонемалар комплексининг учрашиш даражасининг статистик баҳоси билан ҳам боғлиқ бўлади.

---

<sup>1</sup> Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Ташкент: Госиздат, 1934. –С.122.

<sup>2</sup> Поливанов Е.Д. Новая казак-киргизская (Байтурсуновская) орфография. Спорные вопросы киргизской графики и орфографии // Бюллетень Средне-Азиатского государственного университета. –Ташкент, 1924. –№7. –С.35.; Поливанов Е.Д. Задачи социальной диалектологии русского языка // Родной язык и литература в трудовой школе. –М., 1928б. –№2. –С.68.

<sup>3</sup> Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С.119.

<sup>4</sup> Ўша ерда, -Б.214)

И.А.Бодуэн де Куртенэ тадқиқотларида<sup>1</sup> эса тежамкорлик тамойили асосан товушларнинг (фақат фонемаларнинг) ўзгариши қулайликка бўлган интилиш орқали ифодаланган фонетик ҳодисалар таҳлилида намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мураккаб товушларнинг осонларига алмаштирилиши ёки умуман йўқолиб кетиши тушунтирилади. Бу жараён, олимнинг фикрича, қуйидаги шаклда амалга ошади: кучсиз фонемалар авлоддан авлод ўтганда аввалбошда талаффуз этилади, кейинчалик талаффуздан четда қолиб фақат назарда тутиладиган ва бора бора тил марказидан бутунлай йўқолиб кетади. Бунинг устига Бодуэн халқ оғзаки нутқида учрайдиган диссимилияция ҳодисасини ҳам келтиради: *лекрут* → *рекрут*, *секлетарь* → *секретарь* ва б.

Тил эволюцияси, жумладан, тежамкорлик принципи масаласи ечимида ўз замондошларидан илгариланган ҳолда И.А.Бодуэн де Куртене фонцион фаолият тежамкорлигига интилиш самараси ўлароқ исталган кўринишдаги қисқариш ёки соддалашиш фақат марказий мия тизимида тўсикқа учрамасагина мумкин саналишини таъкидлайди. Бу эса И.А.Бодуэн де Куртене томонидан тежамкорлик тамойили назариясига киритилган муҳим аниқлик саналади. Бунда олим тилдаги тежамкорлик тамойилига доимо нотежамкорлик тамойили қарама-қарши туришини назарда тутди ва уларнинг ўзаро ҳаракатини умумлисоний тенденция сифатида қабул қилиш лозим, зеро бу ўзаро ҳаракат исталган тил эволюциясининг динамик характерини белгилайди.

Товушларнинг қисқариши (масалан, унлилар) агар улар тилда коммуникативлик нуқтаи назаридан ортиқчалик касб этсагина содир бўлади. Бошқача айтганда, товуш тушириб қолдирилиши тингловчига сўз маъносини англаб олишда қийинчилик туғдирмаслиги лозим. Одатда, тез-тез қўлланиладиган ва кўп энергия талаб қиладиган сўзлар талаффузида айниқса

---

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1,-С.197.

кучли қисқартириш юзага келади (масалан, рус. «грит» - «говорит» ўрнига, «чѣк» - «человек» ўрнига, «сударь» - «государь» ўрнига ва б.).

И.А.Бодуэн де Куртенэ тежамкорлик деганда фақат фонацион ва ёки фақат аудиция тежамкорлигини тушунмаслик кераклигини уқтиради. тежамкорликнинг ҳар бир тури бошқалари билан ўзаро боғлиқдир. Демак, фонацион тежамкорлик ақлий мия фаолиятига зарар етказадиган бўлса бундай тежамкорлик тури ҳеч қачон юзага келмайди<sup>1</sup>. Тил ўзгаришларини кузатар экан олим бола томонидан ота-онасининг (ва ўзи ўсган, ўқиган, гаплашадиган муҳитнинг) тилини ўзлаштириши жараёнининг аҳамиятига алоҳида эътиборини қаратади. Болалар тилида ноқулай товуш бирикмаларидан қочишга ва уларни нисбатан қулайроқ шаклларга ўзгартиришга интилиш борлиги кузатилади. Болалар тилидаги бундай тенденция бора-бора (бир қанча авлоддан кейин) тилдаги тарихий ўзгаришларга олиб келади.

Кейинчалик бир қатор етук тилшунос олимлар ва шу жумладан, Е.Д.Поливанов тадқиқотларида ушбу ғоянинг қўллаб қувватланиши И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан илгари сурилган мазкур ғоянинг қанчалик аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Илк бор И.А.Бодуэн де Куртене шаклларнинг соддалаштирилишига асосланган тилнинг умумий ривожланиши орқали тежамкорлик тамойили назариясини асослаб берди. Маълумки, шаклларнинг соддалаштирилиши ҳақида олимнинг эътирофига қадар кўплаб тилшунослар гапиришган, бироқ Бодуэн биринчи марта соддалаштиришга бўлган интилишни умумий тежамкорлик тамойили билан боғлаган ҳолда тушунтиради.

Тил ўзгаришлари таҳлилининг фонетик аспекти И.И.Бодуэн де Куртенэ ва унинг издошларидан Е.Д.Поливанов изланишларида фундаментал тадқиқ

---

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, -С.130.

килинган ҳолда, кейинчалик бошқа олимлар томонидан давом эттирилди. Жумладан, Л. Блумфилд<sup>1</sup> фонетик жараёнларни, масалан ассимиляцияларни "унлилар ва бошқа очик товушларнинг кучсизланиши" ва б., нутқ товушлари артикуляциясидаги тежамкорлик деб атайди. Бундан ташқари, Л.Блумфилднинг қайд этишича, герман ва славян тилларидаги **sr** товуш бирикмалари орасида **t** товушининг пайдо бўлишида яна бир қўшимча артикуляция пайдо бўлгандек туюлади. Ҳолбуки, ушбу ҳолатда ҳеч қандай қўшимча артикуляция бўлиши мумкин эмас, балки вақтинчалик артикуляцияларнинг тадрижий артикуляцияларга алмаштириш ҳодисаси содир бўлиши кузатилади. Бунинг устига тадрижий артикуляцияларни амалга ошириш вақтинчалик артикуляциялардан кўра шубҳасиз осонроқ кечади.

Л.Блумфилд ғояларининг аҳамияти шундаки, бунда тежамкорлик тамойили ва "талаффуз ҳаракатларининг соддалаштирилиши" (яъни, тежамкорлик) тушунчаси ўз ичига янада "майда", "икир-чикир" тушунчаларни олади: "фонетик тизимнинг соддалаштирилиши", "тил шаклларининг қисқариши" ва ҳ.к.

Ўзидан олдинги олимлар (О. Есперсен, И.А. Бодуэн де Куртенэ, Е.Д. Поливанов, Ш. Балли, Э. Сепир ва б.) каби Л.Блумфилд умумий товуш ўзгаришларининг артикуляцияни соддалаштиришга томон йўналишига эътибор қаратади. Шунингдек, Л.Блумфилд<sup>2</sup> фонетик ўзгаришлар ҳақида гапирар экан, уларнинг тарихийлик нуқтаи назаридан "бир инстинктусти вариантнинг бошқасига зарар етказган ҳолда аста-секин қўлланилиши"га эътиборни қаратади.

---

<sup>1</sup> Блумфилд Л. Язык. –М.: Прогресс, 1968. –С.398-399.

<sup>2</sup> Ўша ерда, -Б.399.

Айнан шу ёндашувни А.Мартиненинг<sup>1</sup> "минимал автоном синтагма" тўғрисидаги ғоясида учратамиз. Бу ғоя унли ва ундош бирикмасининг бўғинда - ифода планининг минимал синтагмасида намоён бўлади. А.Мартиненинг тежамкорлик тамойили назарияси олдинги тўпланган илмий анъаналарнинг мантиқий давоми сифатида юзага келди. Ўзининг машхур "Фонетик ўзгаришларда тежамкорлик тамойили" номли тадқиқот ишида<sup>2</sup> А.Мартине таниқли олимлар П. Пасси, Г. Суит, О. Есперсен, М. Граммон ва б. каби ўтмишдошларини алоҳида тилга олади.

Тежамкорлик тамойили А.Мартиненинг илмий изланишларида авваламбор, фонетик сатҳдаги фактларга асосланган. Унинг фикрича, ҳар бир тушунчанинг бир нечта товуш бирикмасидан иборат ифодаси мавжуд. Агар ҳар бир тушунча қисмларга бўлинмайдиган муайян товуш ҳосилаларига бириктирилганда эди, инсонда шунга мос ҳолда қанақанги эшитиш ва талаффуз имкониятлари керак бўлишини тасаввур қилиш мушкул. Олимнинг қайд этишича, тежамкорлик тамойили нуқтаи назаридан фонемаларнинг бир бирига нисбатан жойлашиши муҳим аҳамиятга эга.

Ж.Вандриес каби А.Мартине ҳам фонемаларнинг қўлланилиш частотасининг орттирилиши билан уларнинг фарқлаш ва экспрессивлик даражаси қисқариб боради ёки йўқолиб кетишини таъкидлайди.

Нутқ тежамкорлиги тамойили нуқтаи назаридан фонемалар (ёки фонема бирикмалари) бошқа фонемалар билан бирика олиш қобилиятига кўра бошқаларига нисбатан катта фарқланиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Олдинги олимлар ғояларини давом эттирган ҳолда А.Мартине тилнинг фонема бирикмаларини соддалаштиришга бўлган интилишини қайд этади.

---

<sup>1</sup> Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып. III. –М., 1963. – С.470-471.

<sup>2</sup> Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях. –М.: ИИЛ, 1960. -261с.

Тилшунос айрим тилларда иккиланган ундошларнинг соддалаштирилиши каби ҳолатларга тўхталиб ўтади.

А.Мартиненнинг фикрига кўра, комбинатор ўзгаришлар (ассимиляция, диссимиляция, аккомодация ва б.) тежамкорлик тамойили билан бевосита боғлиқ бўлиб, лингвистик тежамкорлик нуктаи назаридан комбинатор ўзгаришлар соддагина туюлсада, аслида контекстнинг муайян фонемага нисбатан босими барибир чегараланган бўлади.

Шундай қилиб, фонетик-фонологик сатҳ эволюциясидаги тизимли хусусиятга эга бўлган омил бир йўналишли, тўғри чизиқли характерли кучга эга эмас. Парадигматика ва синтагматика, тўғри чизиқли бирликлар ва урғу, фонема ва бўғин, бўғин ва фонетик сўз - ҳаммаси ўзаро боғлиқ бўлиб, тежамкорлик характерининг нутқий артикуляцион-акустик манзарада воқеланишига сабаб бўлади.

## 2.2. Лексик сатҳ

Лексик тежамкорлик тамойилига оид муаммолар тилшунос олимларни олдиндан қизиқтириб келади. Бу борада таниқли олимлардан Г. Курциус, Спенсер, Г. Пауль, О. Есперсен, И.А. Бодуэн де Куртенэ, Н.В. Крушевский, В.А. Богородицкий ва бошқалар алоҳида изланишлар олиб боришган.

Е.Д.Поливанов ўзидан олдинги олимлардан фарқли ҳолда, бу масалага атрофлича тўхталиб ўтади. У тежамкорлик тамойили муаммоларини турли тил сатҳларида, жумладан, луғат бойлигига (ва фразеология) алоҳида аҳамият қаратган ҳолда лексик сатҳда тадқиқ этади. Олимнинг фикрича<sup>1</sup>, ушбу сатҳ "муайян жамоанинг муайян даврдаги маданияти моҳиятини нисбатан яққолроқ акс эттирувчи тил ҳодисаларининг ягона соҳасидир".

---

<sup>1</sup> Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С.76, 286.

Луғат бойлигидаги ўзгаришлар ҳақида тўхталар экан, Е.Д.Поливанов шундай дейди <sup>1</sup> : "луғавий характердаги ўзгаришларга (айниқса, тил эволюциясига боғлиқ муаммоларга) алоҳида тартибда ёндашиш лозим: улар ҳақида сўз борар экан, луғавий янгиликларнинг (айрим сўзларнинг ўлими, яъни истеъмолдан чиқиши, янгиларининг пайдо бўлиши, сўз маъноларининг қисман ёки тўла ўзгариши каби ҳодисалар) катта қисми тегишли жамоанинг ижтимоий ва кундалик-маданий шароитларидаги ўзгаришларни бевосита ёки билвосита акс эттиришини унутмаслик керак (шундан келиб чиққа ҳолда, мазкур жамоа тафаккуридаги тушунчалар доирасининг ўзгариши содир бўлади). Ижтимоий ва маданий-тарихий эволюциянинг мазкур тўғридан тўғри ва специфик табиатли қонунияти, шунга мос равишда тил тараққиётида содир бўладиган бошқа ҳодисаларни ажратишга асос бўла олади".

Ф де Соссюр ва О.Есперсенларнинг тилда бир тушунчани бир шакл орқали ифодалашга интилиш кузатилиши тўғрисидаги фикрларини давом эттирган Е.Д.Поливанов буни тил тежамкорлиги билан боғлайди: "Гап шундаки, барча тилларда кузатиладиган, бироқ ҳамма тилда ҳар хил кўринишда намоён бўладиган тежамкорлик тамойили ўша тил эгалари тафаккурида юритиладиган бир мақсадли ягона тушунча учун биттадан ортиқ сўз (ёки сўз бирикмаси) сарфланишига тўсқинлик қилади"<sup>2</sup>.

Е.Д.Поливанов шунингдек, XX асрда пайдо бўлган сўз ясалишининг янги усулларини ҳам (хусусан, "аббревиатурали дориномалар") тежамкорлик тамойили билан изоҳлайди.

Олимнинг фикрича, барча тилларда икки сўзли бирикмаларнинг бир сўзга айланиши кузатилади, қиёсланг: рус. *право учение* – *правоучение*, масалан: «*Им еще не было внесено правоучение*»; франц. *viva mente* → *vivement*; ... ва ҳ.к. Бу жараён тил доим давом этади, чунки, дейди

---

<sup>1</sup> Ўша ерда, -Б.77.

<sup>2</sup> Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. – Л., 1928а. –С.74.

Е.Д.Поливанов, ижтимоий буюртма тилда тез-тез учрайдиган тушунчаларнинг бир сўз билан номланишини талаб қилади.

Бундан ташқари, Е.Д.Поливанов тежамкорлик тамойили ўз ичига сўз ва ифодаларнинг "эскириши, чарчаб қолиши" ("изнашивание") деган тушунчани ҳам камраб олишини таъкидлайди. Демак, индивидуум томонидан янги ўрганилган сўз мумкин қадар аниқлик билан бошида талаффуз этилади. Бироқ кейинги ҳолатларда, Е.Д.Поливановнинг фикрича, аста-секин талаффуз энергиясини тежаш тенденцияси сезила бошлайди - "таниш товушлар (унли ва ундош) "нимғурма талаффуз этилади", баъзан эса (махсус позицион ва бошқа ҳолатларда) ташлаб кетилади, холос. Табиий равишда, шунинг учун ҳам, сўз ҳаттоки айнан бир индивидуумнинг ёки бир авлоднинг нутқ амалиёти давомида "эскириб қолади". Шу сабабли ҳам ўша авлоднинг кичик ёшдагилари бошланғич ҳуқуқлар асосида ўз нутқига товуш жиҳатдан "чарчаб қолган" тез айтилувчи дублет сўзни - "стандарт андоза"ни ўзлаштириб олади ва ўзи ҳам уни қисқартиришни ("эскиртиришни") бошлайди. Натижада барча тиллар тарихида учрайдиган шу хилдаги ҳосилалар пайдо бўлади, сўз бирикмалари бир сўзга айланади. Қиёсланг: *ille non habet passum* → франц. *il n'a pas* [француз тили тафаккурида бир сўз сифатида идрок қилинадиган комплекс]<sup>1</sup>.

Л.Блумфилд<sup>2</sup> ҳам ҳар хил сабабларга кўра (илм-фан ва техника тараққиёти, мода инновациялари) тилда содир бўлган лексик ва бошқа турдаги лисоний ўзгаришларни (тилда сўзларнинг эскириши ва ўрнашиб олиши, лексемаларнинг барча турдаги трансформациялари ҳамда бошқа лексик ҳосилалар) сўзшакллларнинг қўлланиш частотаси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади. Шу каби ҳамма ўзгаришларда биринчи навбатда шакл мазмунининг аҳамияти кўрсатилади.

---

<sup>1</sup> Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С.83.

<sup>2</sup> Блумфилд Л. Язык. –М.: Прогресс, 1968. –С.397-399.

Л.Блумфилд (О.Есперсен изидан бориб) тилдаги ўзгаришлар лексик воситаларни тартибга солишга томон йўналтирилганлигини таъкидлайди. Бунда Л.Блумфилд (И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Е.Д.Поливанов каби) тилнинг сўзларни қисқартиришга интилишини эътироф этади. Бироқ олим бу ерда талаффуз ҳаракатларининг тежамкорлигини назардан четда қолдиради (И.А.Бодуэн де Куртенэ концепциясидаги фонацион энергияни эсланг<sup>1</sup>).

Тил тежамкорлигининг лексик сатҳдаги тадқиқоти машҳур француз олими А.Мартине томонидан тилдаги мавжуд воситалар, жумладан, сўз ясовчи морфемалар ёрдамида янги сўзлар ясалиши таҳлилида намоён бўлади (202). Тилда умумлаштирувчи характерга эга сўзларнинг мавжудлиги, А.Мартиненинг фикрига кўра, тилда тежамкорликнинг ифодаланишидан далолат беради. Масалан, қўшни сўз билан турли муносабатларга кириш қобилятига эга бўлган битта сўзнинг бўлиши янада тежамлироқ ҳисобланади.

### 2.3. Грамматик сатҳ

Тил эволюцияси натижасида лексик ва фонетик сатҳлардаги ўзгаришлар баробарида тилнинг грамматик қурилишида ҳам янгиликлар кузатилади.

Морфологик эволюция секин аста тилнинг грамматик шакллари тизимини сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам тил эволюцияси жараёнининг турли даврларида бутунлай бошқа-бошқа грамматик қурилишга эга тилларни учратамиз (қиёсланг: лотин ва француз тиллари ёхуд гот ва инглиз тиллари).

---

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1, -С.274-275.

XX аср бошларида тилшунос олимларни род грамматик категорияси қизиқтира бошлади<sup>1</sup>.

Гап шундаки, айрим тилларда учта род (жен., муж., ср.) бўлса, бошқаларида иккита (муж. ва ср. ёки муж. [умумий] ва ср.), учинчиларида эса умуман "род" ҳақида тушунча ҳам йуқ. Шуниси аҳамиятлики, бир тушунча турли тилларда ифодаланганда турли род категориясида намоён бўлади (қиёсланг: нем. der Stuhl «стул», der Löffel «қошиқ» ва франц. la chaise «стул», la cuillère «қошиқ» ва ҳоказо). Давр ўтиши билан айрим тилларда (роман, герман тиллари ва б.) бир род категориясидан бошқа родга осонгина ўтган отларга ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Олимлар шунингдек, кўзга тез-тез ташланадиган род шакллари ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиб бориши, яъни фарқли шаклларининг бартараф этилишини ҳам қайд этиб ўтадилар.

Тежамкорлик тамойилининг морфологик сатҳда бундай шаклдаги харакатини О.Есперсен комплекс тарзда тушунтиради (53). Жумладан, тилшунос тилнинг родлар ўртасидаги шаклий тафовутларини бартараф этишга бўлган тенденцияси, келишикларнинг бирлашиши (бунда гапдаги сўзнинг ролини тавсифлаш учун қатъий сўз тартибини етарли деб ҳисоблайди), иккилик сонининг йўқолиши ("олдинги ортикча фарқларнинг бартараф этилишининг ҳар қандай кўриниши тилнинг тараққиётидан далолатдир"), орттирма даражани ифодалаш учун махсус шаклни йўқотишга бўлган интилиш ("қиёсий ва орттирма даражалар айнан бир хил маънони ифодалайди") ва ҳоказоларни таҳлил остига олади.

"Ўзбек тилига қиёсланган рус тили грамматикаси" асарида Е.Д.Поливанов<sup>2</sup> ҳам шу муаммога дуч келади. Ўзбек тили эгалари учун рус тилидаги грамматик род категориясини ўзлаштириш жараёнидаги жиддий

---

<sup>1</sup> Есперсен О. Философия грамматики. –М.: Изд-во иностр. лит., 1958. – 404 с.; Вандриес Ж. Язык: Лингвистическое введение в историю. –М.: Соцэкгиз, 1937. – 410 с.

<sup>2</sup> Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Ташкент: Госиздат, 1934. –С.61.

қийинчиликларни қайд этган ҳолда, тилшунос тил ўрганувчиларда "бутунлай ҳақли тушунмовчилик" пайдо бўлиши ҳақида ёзади: "... нутқ алмашинувининг амалий эҳтиёжларини мутлақо оқламайдиган бундай ортиқча юк (она тили тафаккури нуқтаи назаридан) рус тили морфологиясига нима сабабдан киритилган?"

Муаммо сабабини олим қуйидагича изоҳлайди: агар род категорияси бўлмаган тилларда, масалан, ҳали отни танламай туриб сифатни айтиш мумкин бўлса (қизил олма, hot dog), рус тилида грамматик ронди мослаштириш билан боғлиқ тафаккур жараёнлари муайян энергияни талаб қилади. Ўзбек тили эса, Е.Д.Поливанов фикрича, сўзлар ўртасидаги алоқа род категорияси орқали ифоланадиган рус тилидан фарқли ўлароқ, қатъий ўрнатилган сўз тартиби ёрдамида (аниқловчи аниқланмишдан қатъий олдинда турса, рус тилида аниқловчи аниқланмишдан кейин ҳам келиши мумкин) шу алоқага эришади.

Е.Д.Поливанов тежамкорлик тамойили таъсирини кўплик тушунчасининг "кўп + предмет номи" сўзлари ёрдамида эмас, сўз таркибида, яъни кўплик сон морфемаси орқали ифодаланишида ҳам кузатади. Е.Д.Поливанов шундай ёзади: "Негаки, бизнинг нарса ҳақидаги фикримизга унинг бирлик ёки кўплиги ҳақидаги фикр ҳамроҳлик қилади (яъни, сон ҳақидаги умумий тасаввур предмет ҳақидаги тасаввур тафаккури ичида бўлади). Тил тежамкорлиги кўплаб тилларда сон категорияси ифодасининг морфологик усулда қўлланилишига олиб келади, алоҳида сўз орқали ("кўп + предмет номи") эмас, сўз таркибида, яъни (кўплик маъносига эга) бир қатор сўзларда учрайдиган кўплик сон морфемаси ёрдамида ифодаланади".

Шунингдек, "Ўзбек тилига қиёсланган рус тили грамматикаси" асарида Е.Д.Поливанов<sup>1</sup> рус ва ўзбек тиллари грамматикасини тасвирий методдан фойдаланиб ўрганар экан, модомики, тилнинг исталган ҳолати бу -

---

<sup>1</sup> Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Ташкент: Госиздат, 1934. –С.61.

лингвистик омилларнинг тўхтовсиз диалектик эволюциясидаги муайян вақт (моменти) ҳисобланар экан, "жорий ва ўткинчи" ҳодисалар ҳақида гапирмаслик мумкин эмаслиги ҳақида ёзади. Бундай ҳодисларга мисол қилиб олим универбацион жараёнларни (сўз бирикмаси ва сўз ўртасидаги ўткинчи ҳодисларни) тилга олади ва рус тилидаги предлоғли бирикмаларни ва ўзбек тилидаги, масалан, *balta bilən* (ёки *baltə minən*), ёки давомлиликни ифодаловчи: *bara jatyrman* (шевэлариға мос ҳолда *barvatman*, *bararmən*, *barjərren*, *barvətmən*, *barutmən*, *barjappan*, *barjatirman* ва ҳоказоларни мисол қилиб келтиради. Бунда тежамкорлик омили томонидан "уқтириладиган" универбацион жараёнлар ва шунга ўхшаш "ўткинчи ҳодисалар" барча тилларда кузатилишини олим алоҳида қайд этади.

А.А.Потебня ҳам тежамкорлик тамойили масалаларини ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ грамматик сатҳда таҳлил қилади. Унинг фикрича, бир шаклнинг бошқа янгисига ўзгаришига сабаб, янги шакл тафаккур талабларига "кўринишидан нисбатан мувофиқлик" касб этади.

Сифатлардан отларнинг ясалиш ҳолатларини ўрганар экан, тилшунос бу ҳодисани тафаккур ҳаракатларининг камайиши дея изоҳлайди. Зеро, бевосита ёки предикативли атрибут сифатида хизмат қилиб сифатни англатувчи сўз ҳар хил турдаги отлар олдидан ишлатилиши тафаккуридан фақат бир нарса ёки кўплаб бир турдаги нарсалар олдидан ишлатилиши ва натижада субъект ёки объектга айланиши тафаккурига ўтиши ҳам тафаккур ҳаракатларининг камайиши натижасидир, дея қайд этади олим.

Ўз тадқиқотларида А.А.Потебня тиллардаги грамматик родларнинг бора-бора фарқланмаслик ҳолатига ўтишини таъкидлайди. Масалан, янги форс тили умуман лингвистик родларни фарқламайди, семит тиллари эса фақат жинсларга (аёл, эркак) мос келувчи грамматик родларни ажратади. Уччала род ҳам, А.А.Потебнянинг фикрига кўра, фақатгина ҳинд-европа тилларида учрайди, бироқ мазкур тил оиласининг айрим тилларида (кельт

тили, литва тили, роман тилларида) ҳам средний роднинг йўқолиш ҳолати кузатилмоқда. Славян тиллар гуруҳидаги словен ва великорус тилларида (жой-жойи билан) А.А.Потебня средний родни мужской родга алмаштиришга (яблоки, вины, «яблок содовой») бўлган интилиш ҳақида сўз юритади. Сабабини эса уларнинг тушунарсизлиги билан изоҳлайди. Хусусан, олимнинг ёзишича<sup>1</sup>: "биз нега фалон сўз фалонча тилда фалон даврда у-бу родга таааллуқли бўлганлигини тушунтира олмадик".

Лисоний ўзгаришларни, бир қатор олимлар<sup>2</sup> қанақанги шаклдаги қисқартириш бўлмасин, сўзларнинг, сўз бирикмаларининг, шаклларнинг, товушлар ва бошқаларнинг қўлланилишига кўра қисқартиришларининг бари тежамкорлик тамойили нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади. Кўриниб турибдики, биринчи навбатда нисбатан тез-тез ишлатиб туриладиган сўзлар, аффикслар ва сўз бирикмалари азбарои кўп қўлланилганлигидан семантик сайқалланганлиги сабабли қисқаришга маҳкум бўлади.

Нисбатан кўп учрайдиган сўзлар ўз табиатига кўра нисбатан қисқарок бўлади. Бунинг устига сўзнинг узунлиги ва фонема бирикмаларининг чегараланганлиги ўртасида - бир томондан, иккинчи томондан эса, фонемалар сонининг ҳажми ва уларнинг ўзаро бирикуви эркинлиги ўртасида зиддият мавжудлиги кузатилади. Мазкур зиддият нисбатан кўп қўлланиладиган сўзлар узунлигининг қисқариш жараёнларининг ривожланиши содир бўлишига ва бир томондан - фонемаларнинг ўзаро бирикувидаги чекловларнинг йўқолиши, иккинчи томондан - кўплаб фонемаларнинг деривацион ҳосилдорлигининг ва уларнинг ўзаро бирикиши ҳолатларининг ўсишига олиб келади.

---

<sup>1</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. –т.Ш. –М.: Просвещение, 1968. т.3, - С.452.

<sup>2</sup> Байчура У.Ш. О некоторых факторах языкового развития // Проблемы языкознания. –М.: Наука, 1967. –С. 100; Бенвенист Э. Общая лингвистика. –М.: Прогресс, 1974. –С.248; Блумфилд Л. Язык. –М.: Прогресс, 1968. – С.404.

Бундай зиддият самараси ўлароқ, сўз узунлигининг қисқариши ва тилдаги фонемалар сонининг ўсиши кузатилади.

И.А.Бодуэн де Куртенэ, сўзнинг морфологик структурасидан келиб чиққан ҳолда фақатгина ўзакдан кейин аффиксга эга бўлган тилларни (урал олтой тиллари, фин-угор тиллари) маъқул кўришини билдиради. Бу тилларни олим ўзакдан олдин ва кейин аффикслари бўлган тилларга нисбатан кам психик энергия сарфини талаб қилганлиги учун "нисбатан сергак" тиллар деб атади.

Синтактик сатҳда "тежамли" фраза ва "меъёрий" ёки "тежамсиз" фраза ўртасидаги фарққа эътибор бермоқ лозим. Мазкур тафовут шундан иборатки, уларда ҳар хил даражадаги аниқликда ва маромда маълумот мазмуни етказилади ва ифодаланади: тежамли фразада у камроқ аниқликда, бироқ бир маромда етказилади<sup>1</sup>.

Демак, замонавий инглиз тили синтаксисида эллипсиснинг ривожланишидаги асосий сабабларидан бири сифатида матнда такрорга йўл кўймасликка интилиш кўрсатилади, бу эса ифода ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Мазкур жараён ўзида суппрессия<sup>2</sup> ҳодисаси тенденциясини акс эттириб, реперезентация ва субституция каби ҳодисалар билан бирга бир бутунликни касб этади. Эллипсис (сўзнинг тушиб қолдирилиши) - реперезентация ва субституциялардан фарқли ўлароқ, синтаксиснинг ушбу жараёнлари орасида нисбатан фаоллиги билан характерланади. Шу сабабдан ҳам, эллипсис тадқиқотчи олимларнинг диққатини жалб қилиб келади<sup>3</sup>.

"Мураккабдан осонга томон ҳаракат" тамойили асосида, Е.Д.Поливанов сўзнинг алоҳида яққаланиш каби потенциал қобилияти билан характерланишини таъкидлаб шундай ёзади - "...яъни, сўз нутқ алмашинуви

<sup>1</sup> Bach E. Nouns and noun phrases // Universals in linguistic theory. – New York: Holt, Rinehart and Winston, 1998. -P.101-102.

<sup>2</sup> Есперсен О. Философия грамматики. –М.: Изд-во иностр. лит., 1958. –С. 359-360.

<sup>3</sup> Huddleston R.D. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge etc.: Cambridge University Press, 2002. –P.241-242, 379-380.

шароитларида муайян комплекслар иштирокисиз талаффуз қилинаётган фразанинг ягона таркибий қисми бўла олади. Масалан, сўроқ гапларда ва уларнинг жавобида сўзларнинг якка ҳолда ишлатилишини солиштирайлик: - «Ты был в Москве?» - «Был» - «Был?» - «Да» - «Когда?» - «Вчера». Бошқача қилиб айтганда, айнан шу мезон асосида сўзга фразанинг ёки гапнинг потенциал минимуми дея таъриф бериш мумкин"<sup>1</sup>.

Бу ерда Е.Д.Поливановнинг қарашлари Г.Пауль фикрларидан бир-мунча фарқ қилади. Г.Пауль ўзининг "Тил тарихи тамойиллари" асарида қуйидагича ёзади: "Гапни биз узлуксиз яхлитлик аъзоси сифатида олар эканмиз бунда унинг тўлдирилиши ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунга диалогни мисол қилиб келтириш мумкин. Гарчи диалогда қатнашувчи шахслар суҳбатдоши сўзларини такрорламасада, бу - тўлдирилиш имкониятининг мавжудлигига сабаб бўла олмайди, чунки, диалог - узлуксиз яхлитлик сифатида таҳлил қилиниши керак"<sup>2</sup>.

Бошқача қилиб айтганда, қисқаришга юз тутган ифодаларнинг мазмуни яхлит бирлик сифатида қаралади, чунки унинг таркибидаги айрим қисмлар мазмуни кераксизга айланади. Бу каби барча тушиб қолдирилувчи сўзлар ва морфемаларни қачонки сўз ва морфема бирикмаларида уларсиз ҳам маъно ясалиши кузатилсагина эътиборсиз қолдириш мумкин. Даставвал ифоданинг ички шартлилиги, яъни мазмун шартлилиги, ундан кейин эса ташқи шартлилиги пайдо бўлади.

Худди шу хусусда Н.Ю.Шведова<sup>3</sup> ҳам ўз муносабатини билдириб, қуйидаги мисолларни келтиради: «*Как начал работать – понемногу откладывал деньги на покупку «Москвича» > откладывал деньги на «Москвича» > откладывал на «Москвича»// Иш фаолиятимни бошлашим биланоқ "Москвич" сотиб олиш учун кам-камдан пул йиға бошладим >*

<sup>1</sup> Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. – Л., 1928а. –С.7.

<sup>2</sup> Пауль Г. Принципы истории языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1960. –С.285.

<sup>3</sup> Шведова Н.Ю. Активные процессы в современном русском синтаксисе (Словосочетание). –М.: Просвещение, 1966. –156 с.

"Москвич" сотиб олиш учун пул йиға бошладим > "Москвич" учун пул йиға бошладим. «Как начал работать – понемногу откладывал на «Москвича» гапи муаллиф томонидан содалашган гап сифатида талкин қилинади. Яна бир мисол: «Помогать брату заниматься (готовиться) по арифметике» > «Помогать брату по арифметике» // "Укамга арифметикадан тайёрланишга ёрдам бериш" > "Укамга арифметикадан ёрдам бериш". Н.Ю.Шведованинг фикрича, бу турдаги "содалаштиришлар" нутқ ифодасининг умумий мазмунини тушунишга ҳалал бермаганлиги учун рўй бериши мумкин.

Эллипсиснинг назарий асосларини Ш.Баллининг лингвистик концепциясидан<sup>1</sup> кидириш мақсадга мувофиқдир. Олим тилшуносликда илк бор "ноль белгили", "англашиладиган белгили" ва эллипсис каби тушунчаларни фарқлаш масаласини ўртага ташлайди. Боз устига, тилшунос англашиладиган белги ва эллипсис ўртасидаги бевосида муносабатни аниқлаб берди. Бунда англашиладиган белги лисонга, эллипсис эса нутққа оидлиги таъкидланади. Ш.Баллининг фикрича, англашиладиган белги лисондаги икки параллел типнинг мавжудлигига асосланади ва сўзловчи (ёзувчи) учун муайян танловни назарда тутди. Бунинг баробарида англашилган белги нутққа тегишли алоқани ҳам ўрнатади. Эллипсис эса фақат нутқий характерга эга. Бу - ўзидан олдинги ва кейинги контекстда намоён бўладиган белги бўлиб, нутқда англашилган белгига мос келади. Ш.Балли тадқиқотларида бу - ноль белгили бирлик деб аталади<sup>2</sup>. Нутқда ҳеч қандай актуал маънога эга бўлмаган *Donnez!* [«Беринг!»], *Regardez!* [«Қаранг!»], *Mangez!* [«Тановвул қилинг!»]<sup>3</sup> каби ситуатив эллипсис билан бирга Ш.Балли контекстуал эллипсисларни ҳам қайд этади: *Cet élève à quinze ans et celui – ci seize* [«Бу ўқувчи – ўн беш ёшда, ана униси эса - ўн олтида»]<sup>4</sup>. *Madame X. a*

<sup>1</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1955. – 416 с.; Балли Ш. Французская стилистика. –М.: Изд-во иностр. лит., 1961. –394с.

<sup>2</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1955. – С.176.

<sup>3</sup> Ўша ерда, -Б.99.

<sup>4</sup> Ўша ерда, -Б.39.

deux enfants, l'un de six ans, l'autre (m.e. de quatre ans) [«Мадам Х. нинг икки боласи бор, бири – олти ёшда, иккинчиси тўртда» (яъни, "тўрт ёшда")]<sup>1</sup>. Охирги мисолларда ситуация орқали аниқланадиган предмет ёки процесс эмас, балки нутқ контекстидаги воқеланган тушунчага дуч келамиз.

Грамматикада эллипсис-гапларни муайян "позицион гап моделлари" тавсифлайди. Мазкур тушунчани илк бор Т.П.Ломтев<sup>2</sup> киритган бўлиб, олим шундай ёзади: "Ҳар хил сўзли формалардан иборат гап ўзида шу сўзлар мужассам позициялар таркибини намоён этади. Алоҳида сўзли шакл гапнинг позицион таркибидаги позицион бўғин ҳисобланади." Шунга мос ҳолда, позицион таркибли гапнинг муайян тури "гапнинг позицион модели"дир.

Тилнинг синтактик сатҳига оид замонавий тадқиқотларда ўзига хос атамалар пайдо бўлмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, эллипсис гапларнинг грамматик маъносини ҳеч бир атама тўлиқлигича очиб бера олмайди, зеро мазмун-мундарижасига кўра ҳар бир атама доим нисбийлик касб этади, улар қайсидир маънода шартлидир. Бошқа сўз билан айтганда, бир атама ҳажми жиҳатдан кўпми, камми фарқланиши мумкин. Бироқ, нима бўлганда ҳам танланган атама ўзи билдираётган тушунчани англаб олишда ҳеч қанча қийинчилик туғдирмаслиги лозим. Эллипсиснинг грамматик моҳиятидаги турли хусусиятларни акс эттирувчи атамалар орасида, авваламбор, "Лингвистик атамалар луғати"даги («Словарь лингвистических терминов») "Эллипсис" номли луғавий мақолага киритилган кичик семантик ҳажм атамаси сифатида ифодаланган "ситуатив эллипсис" билан бир қаторда "контекстуал эллипсис"ни учратиш мумкин<sup>3</sup>.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, "ситуатив эллипсис" атамаси ахборотнинг аниқлигига кўра тўла талабга жавоб бермайди. Айтайлик, контекстуал талабларга кўра сўз тушириб қолдирилишини билдирадиган

---

<sup>1</sup> Ўша ерда, -Б.40.

<sup>2</sup> Ломтев Т.П. Основы синтаксиса современного русского языка. -М.: Учпедгиз, 1958. – С.44.

<sup>3</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1969. –С.525.

"контекстуал эллипсис" атамаси эллиптик гап таркибининг синтактик моҳиятини етарлича аниқликда очиб берса, "ситуатив эллипсис" атамаси орқали, авваламбор, қандай синтактик структуралар таснифланиши номаълум. Ҳақиқатдан ҳам, "ситуация" атамасидаги кенг маъно "ситуатив" детерминаторига ҳам кўчиб ўтади, ва бу маъно "ситуатив эллипсис" атамасида ҳам мужассамлашиб уни семантик жиҳатдан мужмал, айрим ҳолларда ноаниқ қилиб юборади.

Бунинг устига таҳлил қилинаётган атамани тушунтиришда "контекст" ва "ситуация" атамаларининг қиёсий маъноси семантик жиҳатдан айрим ҳолларда ўхшашлиги билан қийинчилик туғдиради. Бу эса "контекстуал эллипсис" ва "ситуатив эллипсис" атамаларини бир-биридан фарқлашга тўсқинлик қилади. Гап шундаки, улар оптимал ҳолатда турли грамматик хусусиятларга эга ва синтактик сатҳда бошқа-бошқа асослардан ҳосил бўлувчи эллиптик структураларнинг иккита гуруҳ кўринишидаги терминологик зиддиятини ҳосил қилиши керак.

Шуниси диққатга сазоворки, Л.С.Бархударов<sup>1</sup> эллиптик гапларни ноль вариантли сўз экспликацияси усулига кўра таснифлайди ва мумкин бўлган икки турли гапларни ажратади: 1) синтагматик тўлдириладиган ва 2) парадигматик тўлдириладиган гаплар. Кўриниб турибдики, олим юқорида қайд этилган атамалардан фойдаланмаган.

Бугунги кунга келиб, эллиптик гапни ўрганишда икки хил ёндашувни кузатиш мумкин:

1) эллипсис - бу гапнинг таркибий жиҳатдан мажбурий элементлари сифатида фақат эга ва кесимнинг тушиб қолдирлиши жараёни<sup>2</sup> ва

---

<sup>1</sup> Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1966. –С.180-187.

<sup>2</sup> Почепцов Г.Г. Конструктивный анализ структуры предложения. –Киев: «Вища школа», 1971. –С.171; Иофик Л.Л. (Ред.) Структурный синтаксис английского языка. – Л.: ЛГУ, 1972. –С.109.

2) ҳар қандай элементи (хоҳ мажбурий таркибий қисми бўлсин, хоҳ факультатив бўлсин) тушириб қолдирилган гап - эллиптик гап ҳисобланади<sup>1</sup>.

Бундан келиб чиқадики, таркибий элементларидан бирортаси (биринчи даражали ёки иккинчи даражали бўлақлар) тушириб қолдирилган гапнинг эксплицит таркиби контекст асосида (синтагматик) воситасида тикланса ёки мунтазам формал-грамматик синтактик қонуниятлар асосида (парадигматик) тикланса бундай гапларни эллиптик гаплар деб аташ лозим, зеро эллипсис - бу "осонгина тикланадиган ифода элементининг (аъзосининг) тушуриб қолдирилишидир"<sup>2</sup>. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, исталган сатҳдаги эксплицит ифодаланган элементнинг тушиб қолдирилиши аҳамиятли бўлган ва шунга мувофиқ унинг тикланиши мумкин бўлган ҳар бир гап эллиптик гапдир.

Қуйидаги семантик жуфтликлардаги типик эллиптик гаплар ва уларнинг тўлиқ вариантларини солиштирайлик:

She seemed insensible. – She seemed to be insensible.

He came in, eyes open and ugly. – He came in, eyes being open and ugly.

Early morning. – It is early morning.

Nobody around. – There is nobody around.

Perfect silence. – It is perfect silence.

The boy we spoke about is not guilty. – The boy about whom we spoke is not guilty.

Glass cracks when heated. – Glass cracks when it is heated.

---

<sup>1</sup> Пуш В. The Structure of Modern English. -М.-Л.: Просвещение, 1971. –Р.252; Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1966. –С.180.

<sup>2</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1969. –С.525.

Сўнги пайтларда полифункционал синтактик элементларнинг аҳамиятини аниқлаш учун контекстнинг роли умумэътироф хусусият касб этмоқда. Бугунги кунда исталган бошқа синтактик бирликлар каби гап ўзи тегишли бўлган нутқдаги бошқа гаплар билан алоқадорликда тадқиқ этилишига ҳеч ким эътироз билдирмайди. Н.Д.Арутюнованинг образли ифодасига кўра ҳамма гаплар ўртасида "мантикий алоқа кўприклари ташланган"<sup>1</sup>. Л.Ельмслев эса "исталган моҳият, шунга мувофиқ исталган белги мутлақ эмас, нисбийдир ва фақат контекстаги ўрнига кўра аниқланади"<sup>2</sup>.

Инглиз тилшунослигида ҳам тўлиқсиз гапларни бир таркибли гаплардан контекст ёрдамида фарқлашга бир неча бор уринишлар бўлган. Масалан, Р.Хадельстоннинг<sup>3</sup> қайд этишича, "тўғриси, унчалик универсал бўлмаган, фарқлаш воситаларидан бири шундан иборатки, гап маъносининг контекст ва ситуацияга боғлиқлигини аниқлаш лозим. Бир таркибли гаплардан фарқли ўлароқ, тўлиқсиз гапларнинг, мазмунан тугалланганлиги контекст ва ситуацияга боғлиқ бўлади".

Демак, бир бирига яқин синтактик бирликлар орасидаги фарқ фақат уларнинг контекст билан мазмунан боғлиқлиги асосида курилади.

Бу каби бир тарафлама ёндашувнинг камчиликлари, бизнингча, куйидагилардан иборат :

Биринчидан, бир бири билан мазмунан боғланмаган гапларнинг (бу ерда - бир таркибли гаплар) борлиги билвосита тан олинмоқда.

Иккинчидан, бир таркибли гаплар доим мазмунан тугалланган деб ҳисобланиши очикчасига тасдиқланмоқда. Бироқ, фактиқ материал таҳлили

---

<sup>1</sup> Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл: Логико-семантические проблемы. –М.: Наука, 1976. –С.23.

<sup>2</sup> Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике, вып.1. –М., 1960. – С.303.

<sup>3</sup> Huddleston R.D. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge etc.: Cambridge University Press, 2002. – P.71.

шуни кўрсатадики, мазкур эътирофларнинг бирортаси ҳам сўзсиз қабул қилиниши мумкин эмас.

Уларнинг биринчисидаги хатолик шундан иборатки, контекстнинг сарҳадлари аниқланмаган. Бир таркибли гаплар тўлиқсиз гаплардан фарқли ўлароқ, икки томонлама контекстуал алоқага эга бўлади, яъни ҳам чап, ҳам ўнг контекст билан алоқа қура олади. Бир таркибли гапнинг контекстдан мустақил бўлиб кўринганлигининг сабаби контекстуал алоқанинг айнан мана шу икки томонлама йўналишга эга бўлганлигидадир. Солиштиринг:

*Miss Adams died in her sleep last night. An overdose of veronal*<sup>1</sup>.

*Two women and a man, – said Sir Henry. – The old eternal human triangle*<sup>2</sup>.

*Silence. Lady's Whalebone's gaze, passing from one to the other, had come to rest on me*<sup>3</sup>.

*A whack and a shout, and the donkeys moved off*<sup>4</sup>.

Бошидаги иккита мисолда биртаркибли гапнинг мазмуни ўзидан олдинги гапларсиз тушунарсиз бўлар эди. Зеро, биринчи қисми сабаб мазмунини билдирса, иккинчи қисмда натижа-оқибат муносабатлари ифодаланмоқда. Учинчи ва тўртинчи гапларда бир таркибли гаплар гўёки контекстга боғлиқ эмасдай туюлади. Бироқ аслида, улар ўнг томон контекст билан алоқа қуради, унда тушунтириш ва оқибат ифодаланган бўлиб қайта йўналтирилганлиги билан характерланади. Агар контекст исталган таҳлил сатҳидаги ўрганилаётган бирлик мазмуни ифодаланадиган шароитлар йиғиндиси сифатида қараладиган бўлса, эллиптик гап мазмуни ҳам худди

---

<sup>1</sup> Christie A. Lord Edgware Dies. – London, 1994. –P.71.

<sup>2</sup> Christie A. Selected Stories. –Moscow, 1999. –P.199.

<sup>3</sup> Christie A. Sing a Song of Sixpence. – London, 1995. –P.43.

<sup>4</sup> Appleby J. The Arms of Venus. – New York, 1996. – P.19.

тўлиқсиз гап мазмуни каби бир хилда контекстга боғлиқ эканлиги яққол намоён бўлади.

Хуллас, мазмунига кўра контекстга боғлилик бир таркибли гапни тўлиқсиз гапдан ажратишда фарқловчи аломат бўла олмайди. Зеро, бутунлай мазмунан автоном гапларнинг ўзи йўқ.

Шунингдек, бир таркибли гапларнинг мазмунан тугал фикр ифодалашни тўғрисидаги эътирофда ҳам асос йўқ. Бир таркибли гаплар исталган бошқа турдаги гаплардек мазмунининг тушунарли бўлиши учун контекст зарур бўладиган синсемантик элементларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. *The irony of it!* деган эллиптик гапда олмошнинг мазмуни фақат контекст орқалигина аниқ бўлади. Т.И.Сильманнинг фикрига кўра, гап таркибида синсемантик элементларнинг бўлиши гапнинг, умуман, синсемантик характерда бўлишини таъминлайди<sup>1</sup>.

Бир таркибли ва тўлиқсиз гапларнинг контекстга боғлиқлигига оид бир мунча бошқа ёндашувни биз Р.Джейкобс<sup>2</sup> қарашларида учратамиз: "Эллиптик гап нутқ яхлитлиги ичидаги бошқа гап билан бирикма ҳосил қилади ва турли синтактик вазифаларни бажариши мумкин. Бир таркибли гап нутқ занжиридаги бошқа гаплар билан яқин алоқада бўлсада, ҳеч қачон бирикма ҳосил қилмайди". Бу таҳлилни тўғри дея оламиз: Бир таркибли эллиптик гапларда ҳам, тўлиқсиз эллиптик гапларда ҳам контекстга таркибий жиҳатдан боғлиқлилик ҳақида сўз бормоқда. Бироқ муаллиф ўзининг амалий таҳлилида бир таркибли ва тўлиқсиз гапларнинг контекст билан таркибий алоқадорлигига эътибор қаратмай, тўлиқсиз гапларнинг бошқа гаплар билан маъновий бирикув ҳосил қилишига урғу беради. Фикримизга олимнинг қуйидаги ғояси далил бўла олади: "эллиптик гапдаги ахборотнинг маъновий

---

<sup>1</sup> Сильман Т.И. Отбор языковых средств и вопросы стиля // Вопросы языкознания. –М., 1965. -№4. –С.87.

<sup>2</sup> Jacobs R.A. Promotion and thematization processes in English, or, how to get a head // Papers from the parasession on functionalism. – London: Longman, 2000. – P.223-224.

бутунлиги воқеланадиган" нутқий бирлик - минимал контекст сифатида баҳоланади.

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, бир таркибли ва тўлиқсиз гаплар ўртасидаги тавофутни аниқлашда фақат маъновий мезонга асосланиш муаммонинг ечимига нуқта қўя олмади. З.Расуловнинг тадқиқотида<sup>1</sup> эллиптик гапларни ажратишда нисбатан формал (контекстуал-синтактик) методдан ва шунга мос ҳолда бу гапларнинг ўзига ўхшаш синтактик бирликлардан ажратиш методидан фойдаланилган. Бунда бошланғич асос сифатида дескрептив йўналиш структуралистлари томонидан илгари сурилган гап таърифи олинади. "Гап - бу ҳеч қандай грамматик шакл билан таркибий боғланмайдиган грамматиқ шаклдир: ташкил этувчи (a constituent) бўла олмайдиган бирликдир (a constitute)"<sup>2</sup>.

Иккинчи бошланғич асос сифатида Н.Н.Амосованинг фикрига таянган ҳолда<sup>3</sup> таркибида феъл иштирок этмаган минимал синтактик қурилма ҳисобланувчи синтактик контекст тушунчаси олинади.

Шундай қилиб, гаплар ўртасида мавжуд бўлган муносабатлар ичидан синтактик алоқа таҳлилга тортилади.

Эллиптик гапларини ўрганишда тўлиқсиз гапларнинг келиб чиқиши ва шаклланишига оид саволнинг ечими жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, бу ерда гапнинг тўлиқсизни белгиловчи асос сифатида нимани олишнинг ўзи аниқ эмас. Шунинг учун ҳам айрим синтаксист олимларнинг ушбу масаланинг ечимига шубҳа билан қарашлари табиий ҳол. Масалан, тилшунос И.А.Попованинг қуйидаги пессимистик хулосасини қиёсланг: "Биз тўлиқсиз гапларга грамматик асосга қурилган қониқарли таъриф бериш мумкин

---

<sup>1</sup> Расулов З.И. Синтаксический эллипсис как проявление экономии языка (на материале английского языка): Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Самарканд. 2011. -36 с.

<sup>2</sup> Hockett Ch. A course in Modern Linguistics. –New York: The Macmillan Company, 2008. – P.199.

<sup>3</sup> Амосова Н.Н. О синтаксическом контексте // Лексикографический сборник, вып. V. – М., 1962. –С.36.

эмаслигини ва гапларни тўлиқсиз ва тўлиқ гапларга ажратишнинг ягона, аниқ мезонини аниқлаш имкони йўқлигини тан олишга мажбурмиз"<sup>1</sup>.

Албатта, коммуникативлик нуқтаи назаридан нутқда ишлатилаётган исталган гапни тўлиқ деб ҳисоблаш мумкин, зеро у аниқ бир вазиятда нутқдаги алоқа қуриш чоғида етказилиши керак бўлган маълумотни етказмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, акс ҳолда у гап бўла олмас эди, чунки алоқа қуриш вазифасини (асосий вазифани) бажармаган бўлар эди. Аслида контекст таркибидаги ҳар бир гап ўзининг таркибий хусусиятлари қандай бўлишига қарамай тегишли маъновий тўлиқликка, тугал фикрга эга бўлади. Акс ҳолда нутқ жараёнига киритилаётган (ахборот тўлиқлиги етарли бўлмаган) гаплар муайян маълумотни етказиш вазифасини талаб даражасида бажармаганлиги учун ўзаро мулоқотга эришишнинг имкони бўлмас эди.

Бизнинг фикримизча, контекст таркибида бўлган исталган гап маъно тўлиқлиги нуқтаи назаридан тўлиқ саналади, яъни, муайян нутқ вазиятида ҳар бир гап (таркибидан ва бажарадиган вазифасидан қатъий назар) мазмун планида тўлиқдир. Шундан келиб чиқиб, А.И.Назаровнинг "гапнинг тўлиқсизлиги унинг мазмун жиҳатидан маъновий тугалланмаганлиги билан белгиланади" деган эътирофи ўринсиздир<sup>2</sup>. Унинг фикрича, "объектив маълумотлар билан тасдиқланган тугал маъно - тўлиқсиз гапларни таърифлаш учун асос ҳисобланади ва тадқиқ қилинаётган гапнинг тўлиқлигини белгиловчи мезонлар шу асосда қурилиши лозим"<sup>3</sup>. Бу турдаги бошланғич қоидалар эллиптик белгили гаплар маъносини субъектив баҳолашга асосланган ҳолда грамматик ҳодисаларни изоҳлашга олиб келади. Бундай интуитив лингвистик қарашлар сўзсиз шубҳали хулосаларга сабаб бўлади.

---

<sup>1</sup> Попова И.А. Неполные предложения в современном русском языке // Труды Института языкознания, т.2. –М., 1953. –С.131.

<sup>2</sup> Назаров А.И. Неполные предложения и их границы // Учёные записки Пензенского пед. ин-та, вып.1. –Пенза, 1993. –С.20.

<sup>3</sup> Назаров А.И. Неполные предложения, условия их употребления и структуры: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пенза: ПГПИ, 1990. –С.8.

Бунинг устига А.И.Назаров ёндашувларининг хатолигини гапни контекст муҳитидан айро таҳлил қилинишида ҳам кўриш мумкин. Дарҳақиқат, исталган гапнинг маъновий тугалланганлигини контекстдан ажратиб олинган таҳлил асосида аниқлашни тасаввур қилиш қийин. Тилшунос И.А.Попованинг мулоҳазалари шу ўринда диққатимизни тортади<sup>1</sup>: "Агар якка ҳолда ажратиб олинган гапнинг тўлиқсизлигини белгиловчи мезон сифатида унинг маъновий тугалланмаганлиги ҳисобланадиган бўлса, бизнинг деярли барча нутқимиз, фақат оғзаки нутқ эмас, айниқса, диалогик нутқ , балки китобий-ёзма нутқ ҳам - маъно жиҳатидан тугалланмаган "тўлиқсиз" гаплардан иборат бўлар эди. Ахир мулоқот нутқидаги формал тўлиқ гапларнинг асосий қисми контекстдан ажратиб олинганда контекст ичидаги маъновий тугалланганликни бера олмайди".

Шу сабабли ҳам, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, эллиптик синтаксисни ўрганар эканмиз, предикативлик категориясига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Мантикий категориядан фаркли ўлароқ, синтактик категориянинг ўзига хос грамматик шаклланиш хусусияти мавжуд. Субъект ва предикатнинг мантикий тушунчалари гап таркибида воқеланган ҳолда эга ва кесимнинг грамматик тушунчалари орқали намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, предикативлик (нутқ жараёни бирлигини фарқловчи белги сифатида) бу гапга хос хусусият бўлиб унинг моҳияти учун зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Демак, предикативлик бу бирор объектнинг ўз мавжудлигини билдирувчи тушунча билан алоқаси бор/йўқлиги тасдиқлашни ўз ичига олган муносабатларни белгиловчи тушунчадир. Тилдаги предикатив муносабатларнинг мазмунини бирор нарсанинг бирор нарса билан алоқадорлиги, яъни исталган нутқнинг икки зарурий компонентлари алоқадорлиги бор/йўқлигини тасдиқлаш белгилайди.

---

<sup>1</sup> Попова И.А. Неполные предложения в современном русском языке // Труды Института языкознания, т.2. –М., 1953. –С.13.

Эга ва кесимнинг синтактик муносабатга кириш баробарида предикативли комплекс юзага келади. Бу эса турли хилдаги деривацион трансформацияларнинг (редундант ва эллиптик) шаклланишига замин яратади. Предикативли комплекс таркибидаги икки компонент муносабатлари экспликатив хусусиятга эга номинатив ва десигнатив вазифаларни белгиловчи йўналишлар бўйича амалга ошади. Субститут ва унинг антецедентини идентификациялаш учун от ва феълнинг экспликатив ва десигнатив вазифалар билан алоқаси жуда муҳим. Бунда феълнинг экспликациялашиш вазифаси адресатнинг от денотати (субститут) тўғрисидаги маъносига янгилик киритади, унинг маъносини ойдинлаштиради. Экспликатив вазифани бажарган ҳолда феъл десигнатнинг (от ёки субститут) десигнатори ролида намоён бўлади.

Шу каби эллиптик синтаксиснинг ўзига хос хусусиятлари З.И.Расуловнинг<sup>1</sup> тадқиқотида алоҳида гап ва бутун бир матн кесимида таҳлил қилинган.

## **2-боб бўйича хулоса**

Мазмун плани ва ифода планларининг мунтазам ўзгариб туриши бу тилнинг коммуникатив тизимда қўлланиладиган ҳаётий эҳтиёждир. Ўзгариш бу инсон нутқ фаолиятининг фаол табиати сифатида намоён бўлиб, унинг натижасида тил доимий равишда бир шаклдан бошқасига кўчиб юради. Тил структурасини ўзгартирадиган нимаики бўлса, у аввало нутқда содир бўлади.

Бунда товуш тизимининг тараққиёти қуйидагилар билан белгиланади: 1) фонетик-фонологик сатҳ ривожининг ички тизим тенденциялари, 2) нутқ тежамкорлиги имкониятлари ва йўналишини белгиловчи нутқ фаолиятининг артикуляцион-акустик шартлари ва 3) товуш сатҳининг маъно англатувчи

---

<sup>1</sup> Расулов З.И. Синтаксический эллипсис как проявление экономии языка (на материале английского языка): Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Самарканд, 2011. -36 с.

сатҳлар шартларига мумкин қадар тежамкорона мослашувини таъминловчи грамматика ва лексиканинг таъсир кўрсатиши.

Тилнинг ифода планига мансуб фонетик-фонологик сатҳидан фарқли ўлароқ, грамматика ва лексика ўзида ифода ва мазмун планларининг иккитомонлама birlikлар тизимини намоён этади. Маъно англатувчи birlikлар сатҳлари сифатида грамматика ва лексиканинг қуйидаги ривожланиш хусусиятлари айнан шунга боғлиқ: 1) инсон нутқидаги мазмун ва шакл ўзгариши жараёнлари ва воқелик инъикосининг бир бирига боғлиқлиги, 2) семантик ўзгаришларнинг устиворлиги ва 3) муайян сатҳ ривожланишининг ички омили сифатида ифода ва мазмун плани birlikлари тизимларининг ўзаро муносабати.

Маъно англатувчи сатҳлардаги семантик ўзгаришларнинг устиворлиги белгининг ифода ва мазмун плани ўртасидаги ўзаро таъсир диалектикасидан келиб чиқади. Мазмун плани (англатувчи) - бу белгининг асосий (бирламчи) томонидир. шакл ўзгаришлари эса иккиламчидир. Улар мазмундаги силжишлар ифодаси учун аҳамиятлидир, ҳолбуки тил белгиларининг мазмундаги ўзгаришлари нолисоний шартлиликни намоён этади: шу кетма-кетлик асосида тилда янги номинатив талаблар ва инсоний мулоқотнинг янги шароитлари акс этади.

Тежамкорлик тамойили тилшунослик фанида кўпчилик олимлар томонидан тилнинг асосий тенденцияларидан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур тамойилнинг моҳияти талаффуз тезлиги ва енгиллигига бўлган интилиш, ҳар бир фикрни етарли даражадаги аниқликда ифода этиш имконияти тўлиқ сақланган ҳолда тилнинг лексик-грамматик жиҳатдан тез ва енгил идрок қилиниши ва ўзлаштирилиши сифатида изоҳланади.

Ушбу эътироф И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Е.Д.Поливановларнинг тежамкорлик тамойилида талаффуз, аудицион ва марказий мия каби уч хил

тежамкорликнинг ўзаро яқин ҳаракати акс этиши тўғрисидаги назарияларини тасдиқлайди.

Талаффуз тежамкорлиги идрок имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бунда мазмун плани етакчи ҳисобланади. Айтайлик, товуш деформацияси то маънонинг бузилишига олиб келгунга қадар давом этиши мумкин. Мунтазам фонетик жараёнлар ва ўзгаришларда талаффуз ҳаракатлари тежамкорлигига, талаффуз қулайлигига бўлган интилиш натижаси намоён бўлади. Фонетик жараёнлар товуш синишларига олиб келадикки, бунинг натижасида ўзак ва аффиксларнинг ранго-ранг шакллари юзага келади. Бошқача айтганда, бу турдаги стандарт бузилишлари талаффуз қулайлигига бўлган интилиш самарасида содир бўлади.

Фонетик тизимдаги ўзгаришлар бошқа сатҳларни ҳам четлаб ўтмай қолмайди. Демак, морфологик эволюция фонетик тизим эволюцияси билан боғлиқ ҳолда рўйберади ва билъакс, фонетик ўзгаришлар морфологик ўзгаришларга олиб келади. Фонетик ва морфологик эволюциянинг бир бири билан ўзаро боғлиқлигига (мувофиқлашишига) ёрқин мисол тариқасида тилнинг олдинги тараққиёт даври билан ҳозирги, айниқса, ҳозирги нутқ жараёнининг солиштирилиши натижасида пайдо бўладиган тарихий-лисоний манзарани келтириш мумкин.

Фонетик жараёнлар ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тежамкорлик тамойили нуқтаи назаридан ўрганиш долзарблик касб этади.

### **3-БОБ. ТОВУШ ЎЗГАРИШЛАРИДА ФОНАЦИОН ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИНИНГ РОЛИ**

#### **3.1. Ундошлар талаффузида товуш ўзгаришининг сабаблари**

Эволюция жараёнида луғат таркиби билан бирга тилнинг товуш тизими ҳам ўзгариб бораверади: товушлар сони фарқланади, товуш ҳосил қилиш кўникмаларида янги ўзгаришлар пайдо бўлади ва ҳ.к. Пировард натижада бир неча юз йиллардан кейин бир бирига ўхшамайдиган икки хил товуш тизимига дуч келамиз.

Шуниси аҳамиятлики, фонетик эволюция диалектика қонунлари асосида ривожланади. Ҳозирги замон тилшунослигида барча тилларга хос товушлар эволюцияси тамойиллари ва сабаблари ҳақидаги умумий таълимот билан шуғулланувчи "Фонетик тарихшунослик" деган янги фан вужудга келди. Мустақил фан сифатида мазкур предметнинг қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиши кўзда тутилади: 1) муайян сўзлар ва товушларнинг олдинги ривожланиш этапларини (яъни, олдинги авлодлар тилидаги шаклларини) аниқлаш, 2) ўзгаришларнинг барча тиллардаги товуш эволюцияси қонуниятларида аналогик омилларини ўрганиш. Фонетик тарихшунослик, Е.Д.Поливановнинг фикрича, содир бўлган ва содир бўлаётган фонетик ўзгаришларнинг мотивларини тушунтириб бериши, лисоний (фонетик) ўзгаришларнинг сабабларини қидириш билан шуғулланиши керак.

Тил эволюцияси асосини тил белгиси орқали бирлашадиган жамоа аъзолари ўртасидаги мулоқот мақсади бўлган меҳнат фаолияти ташкил этади. Нутқ жараёни таркибига фонация ва апперцепция (эшитиш) актларини киритамиз. Фонация акти вазифасига муайян белгилар қаторини эшитиб тушуниш даражасидаги акустик натижа ҳосил қилиш киради. Бунда минимум иш энергияси сарфи ҳисобга олинган ҳолда, фонация акти тегишли

куч ва аниқликда етказилади. Шунингдек, этиб ўтиш керакки, бизнинг фонетик фаолиятимизнинг ўзига хос хусусияти бўлган тежамкорликнинг минимум даражасини гарчи нутқ фаолиятимизнинг ажралмас қисми ҳисоблансада, суҳбат жараёнининг зарурий омили деб қарамаслик лозим. Фонетик эволюциянинг умумий тенденцияси ва талаффуз ишларининг тежамкорликка интилишини тасдиғи сифатида исталган тил тарихидан истаганча мисоллар қаторини келтириш мумкин.

Фонацион қувват тежамкорлиги деганда, авваламбор кучни тежаш, шунингдек, вақтни тежаш билан бир қаторда муайян товуш комплекси фонацияси учун зарур бўладиган артикуляциялар қисқаруви тушунилади. Бундан ташқари, фонация учун зарур бўладиган вақт тежамкорлиги билан бир қаторда муайян артикуляциянинг қисқаруви доим ҳам нутқ фаолияти тежамкорлиги учун фойдали бўлайвермайди: баъзи ҳолларда сўзловчининг тез гапирилган нутқи меъёрий нутқ темпидан кўра қийинроқ тушунилиши ҳамда тезкор фикрлаш жараёнларини талаб қилиши мумкин.

Бугунги кун тилшунослигида товуш ўзгаришларига механик ўзгаришлар сифатида ёндашишдан кўра, фонетик қонуниятларга тилни бошқариб келаётган умумий қонуниятлар сифатида қаралмоқда. Ўз навбатида ушбу ўзгаришлар ортида бир бирига занжирсимон боғланган мураккаб факторлар туради.

Агар нутқда бирор товуш ўзгариши содир бўлса, фонетик тизимда шунга параллел ҳолда бошқа ўзгариш кузатилади, акс ҳолда содир бўлган ўзгариш натижасида иккита бир хил товушнинг бир бирига мос тушиши мумкин. Масалан, умумтуркий тилидаги Ч (тш) товуши артикуляция жараёнидаги тежамкорлик натижасида қозоқ-қирғиз тилларида Ш товушига ўзгарган, яъни биринчи элемент (тилолди портловчиси) тушиб қолдирилган, шунга параллел ҳолда ушбу тизимдаги Ш спиранти шовқинли товушга ўзгарган -

сабаби эса иккита товушнинг маъно ажратиб олишда қийинчилик туғдирмаслиги учундир.

Бирор бир товуш ўзгариши яхлит фонетик тизимдан ажратилган ҳолда ўрганилиши мумкин эмас. Тилнинг фонетик тизимидаги бирор элементнинг (фонеманинг) ҳар қандай ўзгариши (сезиларли ёки сезилмас) тизимдаги бошқа элементларнинг тақдирини билан кўптомонлама ва узвий боғлиқ. Уларнинг содир бўлиши бошқа элементлар ҳолатига бўлган таъсирдан келиб чиқади.

Умуман товуш ўзгариши деганда, авваламбор, тилнинг бир товуши доирасида содир бўладиган, бошқа товушларга, аниқроғи - тилнинг фонетик тизимига таъсир этмайдиган ўзгариш тушунилади. Бу турдаги ўзгаришнинг йўналишини белгилайдиган умумий тамойил - тежамкорлик тамойилидир. Жумладан, товуш ҳосил қилиш жараёнлари қийинчиликларининг камайишидир. Спирантизация ҳодисаси шунга мисол бўлади. Бунда аффрикатлардаги портловчи элемент тушиб қолдирилади. Қиёсланг: [tʃ→ʃ, dʒ→ʒ]. ўзб. *чет* - қ. *шет*, ўзб. *ички* - қ. *ишкі*. Шунингдек, мазкур ўзгаришларга қадимги инглиз тилидаги тилолди лабиал унлиларнинг делабиализация ҳодисаси (*hunta, sunne* → *hunter, sun*), ҳамда и товушидан олдин ундошларнинг юмшайиши (long → live, cotton → kitten, катта → кичик) ва б. мисол бўла олади.

Талаффуз энергиясининг тежамкорлиги тенденциясини биз айрим сўзларнинг (масалан, рус. *вода, топот*) турлича усулларда: баланд ёки паст овозда, тез ёки секин, аниқ ёки нимғурма қилиб, ёки бурунда минғиллиб талаффуз этилишига қарамай, улар худди ўша сўздек бир хилда тушунилади ва ўша маънони англатади.

Яна шуни қайд этиб ўтиш керакки, фонацион энергиянинг камайиш тенденцияси максимал даражада ёки одатда, минимал даражада намоён бўлиши мумкин. Максимал тежамкорликни биз энг кўп қўлланиладиган

сўзларда учратамиз, уларнинг маъноси тез тушуниб олинади ва бошқа сўзлар билан қоришиб кетмайди: инг. *am not* → *ain't*, *is not it* → *isn't it* → *ini*; ўзб. *тақсир* → *тасир* → *тас*; рус. *здравствуйте* → *здрасствуйте* → *здрассте* → *здрасст* → *здрас* → *драс* → *эссс* → *сс*; *государь* → *осударь* → *сударь* → *сда* → *ста* (*пожалуйста* сўзида). Минимал даражали талаффуз тежамкорлиги кўйидаги ҳолатларда кузатилади: 1) мураккаб товуш бирикмалардаги бирор товушнинг тушиб қолдирилиши - *autumn* [ɔ:təm], *eight* [eit]; рус. *солнце* → *сонце*, лот. *est* француз тилида *E* шаклида талаффуз қилинади, *Augustus* «август» битта *и* товушига айланган (франц. *Аоїт*), 2) қийин талаффузли товушларнинг осонроқларига алмаштирилиши, масалан, аффрикатларнинг спирантизация ҳодисаси - рус. Ц→С, Ц→Ш ва ҳоказо.

Фонацион энергия тежамкорлиги тенденцияси самараси ўлароқ жарангли товушларнинг сўз охирида ва жарангсиз товушлардан кейин жарангсиз талаффуз этилиши шунга қулай имконият яратилганлиги сабабли содир бўлади, масалан, ўзб. *қарз* - *қарс*, *китоб-китоп*, *ёз-ёс*; рус. *лоб* – *лоп*, *кров* – *кроф*, *кровь* – *крофь*, *муж* – *муш*, *воз* – *вос*, *сядь* – *сять*, *сапог* – *сапок*, *трубка* – *трупка*, *робкий* – *ропкий*, *ложка* – *лошка*, *лодка* – *лотка*, *сказка* – *скаска*, *резкий* – *реский*, *кружка* – *крушка* ва ҳоказо. Бироқ инглиз тили бу қонуниятга бўйсинмайди. Чунки бу тил фонетик тизимида кучли позицияга эга тил ҳисобланади. Товуш деформацияси маъно ўзгаришига олиб келиши мумкин. *dock-dog*, *nod-not*.

Бу каби ҳолатлар тегишли қонуният асосига эга бўлган фақат жуфтли ундошларда эмас (б – п, в – ф, ж – ш, з – с, д – т, ва б.), балки бошқа ундошларда ҳам (р – рь, л – ль, м – мь) кузатилади, қиёсланг: ўзб. *меҳр*, *фикр*, *ҳукм*, *раҳм*; рус. *министр*, *смотр*, *вихрь*, *мётл*, *вопль*, *Симферополь*, *Константинополь* (охирги икки сўзда урғу тушмаган *О* товуши оғзаки талаффузда кучли редукцияга учраб ноль товушга айланади). Сўз охиридаги жуфтсиз жарангли товушлар (сонорлар) жарангсиз товушлардан кейин келганда жарангсизга айланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, товуш тони

олдинги ундош товуш талаффузида қатъиян ўчиши керак бўлганлиги учун (X товушидан кейин *меҳр, раҳм*, K товушидан кейин *ҳукм* сўзларида ва ҳ.к.), ундош товуш сўз охирида келганлиги (P, PЬ, Л, ЛЬ, ёхуд M, МЬ) ва натижада мазкур товушдан кейин яна товуш тонини тўхтатишга (пауза) тўғри келганлиги сабабли товуш пайчаларини жуда қисқа муддат учун - фақат ушбу ундош (P, PЬ, Л, ЛЬ, ёхуд M, МЬ) талаффузи учун тебратишга тўғри келади. Демак, талаффуз ҳаракатларининг тежамкорлик тенденцияси (яъни, қисқартириш ва енгиллаштириш) таъсири остида нутқ механизми товуш пайчаларининг ушбу қисқа муддатли тебранишини ўтказиб юборади ва натижада таҳлил қилинаётган ундошларни – P, PЬ, Л, ЛЬ, ёхуд M, МЬ – жарангсиз товушларга айлантириб қўяди. Инглиз тилида эса тежамкорлик тенденцияси натижасида бу жараён анча илгарилаб жарангсиз талаффуз қилинган сўз охиридаги [r] товушининг йўқолиш тенденцияси кузатилади: *water, singer, advisor* ва б. Айрим ҳолларда жарангсизлашган сонор товушларнинг тил орфоэпиясида йўқолганлигини ҳам учратамиз: *autumn, damn*.

"Тежамкорлик тенденцияси" атамаси орқали талаффуз ҳаракатларининг қисқариши ёки енгиллаштирилиши назарда тутилади. Маълумки, ўзбек тилида бўғин охирида одатда битта ундош, камдан кам ҳолларда иккита ундош учрайди. Шунинг учун ҳам жонли нутқда айрим сўзлар охиридаги ана шу саноқли икки ундошли бўғинлардаги ундошларни йўқотишга бўлган интилишни кузатамиз. Масалан, *тўрт, зўшт, маст* ва б. сўзлар талаффузида икки ундошли бирикмаларни қисқартиришга, яъни улардан бирининг, одатда охиргисини тушуриб қолдиришга бўлган интилишни сезиш мумкин. Қиёсланг: *to 'rt* → *to 'r*, *go 'sht* → *go 'sh*, *mast* → *mas* ва ҳ.к.). Сўзлашув тилида учрайдиган бу турдаги қисқартиришлар охиридаги икки ундошли ўзлашган сўзлар талаффузида ҳам кузатилади, масалан, *поезд* → *поез*.

Тежамкорлик тамойили самарасини айрим тиллардаги аффрикатлар эволюциясида ҳам кўришимиз мумкин. Туркий тиллар гуруҳига мансуб

бошқирд тилида **Ц** аффрикатидаги биринчи элемент тушиб колдирилиши натижасида талаффуз енгиллаштирилиб **С** га айланган. Қиёсланг: бошқ. *ас* // мешерск., табольск., барабинск. *ац* // ўзбек. *оч*, қирғиз. *ас*. Умумтуркий тилидаги **Ц** товуши қозоқ ва қирғиз тилларида **Ш**га ўзгарган ҳолда илк портловчи элементини йўқотган. Фонацион энергия тежамкорлигини биз мураккабдан оддийга томон ҳаракатланиш хусусиятига эга қуйидаги ҳолатларда ҳам кузатамиз. Тўрт ёки уч товушга эга сўзлар икки ёки бир товушли сўзларга ўзгаради, қиёс. х.-е. *esti* → лот. *est* → франц. *e* [-e(st)]; мураккаб товуш (масалан, [dʒ] аффрикати) оддий [ʒ] товушга айланади.

Шу билан бирга шуни қайд этиб ўтиш керакки, "тежамкорлик" тушунчаси нисбий тушунча бўлиб, бир тилдаги тежамкорлик бошқа тилларда нотежамкор, ортиқча энергия сарфига олиб келиши мумкин. Шунингдек, талаффуз энергияси тежамкорлиги тенденцияси славян тилларида қисқа тор **u** ва **i** унлилари турига кирувчи Ъ, Ь белгиларининг йўқолишида ҳам намоён бўлади: *sunu* → *сьнь* → русск. *son*; *dini* → *дьнь* → русск. *d'en'* ва ҳ.к. Бу каби аналогик соддалашиш жараёнлари ва натижада қисқа **u** ва **i** унлиларининг йўқолиши ҳам шу тамойилга мисол бўла олади. Чунки қисқа унлилар талаффузида энергия харажати, яъни вақт бирлиги нуқтаи назаридан ҳаво оқимининг чиқиши бошқа унлилар (масалан, **a**) талаффузига қараганда кўпроқ сарфланиши кузатилади. Табиийки, бунинг натижасида бир хил энергия сарфлаган ҳолда **a** унлисини талаффуз қилиш мумкин, айтайлик, 2/5 секунд ичида, қисқа **u** ва **i** унлилари учун эса 1/5 секунд ичида талаффуз қилинади (албатта, бу рақамлар тахминий). Натижада, қисқа **u** ва **i** унлилари қисқарийшга учрайди (ва ниҳоят тушиб колдирилади), яъни бошқа унлиларга (масалан **a**) нисбатан тил эволюциясининг муайян муддатида эскириб қолади. Бошқача қилиб айтганда, қисқа тор унлиларининг тарихий нуқтаи назардан асосан омонат, нотурғун хусусиятга эга бўлади.

### 3.2. Фонетик конвергенция ва дивергенция ҳодисаларида тил тежамкорлиги омили

Тилнинг ички фонетик тизимида содир бўладиган ўзгаришларни ва шунга мос ҳолда товушлар сонининг камайиши ёки ошиши орқали ифодаланадиган ўзгаришларни бир қарашда "мураккабдан осонга томон" тамойилига зиддек кўринувчи, аслида эса тилнинг соддалашишга бўлган интилиши муҳим роль ўйнайдиган ҳодисаларни ҳам тежамкорлик сифатида баҳолаш керак. Чунки, гарчи товуш ҳосил қилиш жараёнларида қисқартириш кузатилмаса-да, психик фаолиятда енгиллик асосий омил ҳисобланади.

Бу турдаги ҳодисалар фонетик конвергенциялар ва дивергенцияларда ҳам учрайди. Тил эволюцияси муаммоларининг ечимида товуш қонуниятларини аниқлаш ўта муҳим жараён эканлиги барчага маълум. Тил эволюцияси муаммосига доир изланишларда лисоний конвергенция ва дивергенция муносабатлари масалалари ечими шубҳасиз катта қизиқиш уйғотади. Фактик материал таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, конвергенция ва дивергенция каби фонетик ўзгаришлар мисолида талаффуз ҳаракатлари тежамкорлигининг икки хилдаги натижаси кузатилади. Бири икки фонеманинг бир фонемага бирлашиши (конвергенция) бўлса, иккинчиси бир фонеманинг икки мустақил фонемага бўлиниши(дивергенция)дир.

Фонетик конвергенциялар, асосан бир авлоддан иккинчи авлодга тилнинг кўчишида содир бўлади. Конвергенция жараёнида катта авлод тафаккуридаги умуман бошқа бошқа икки хил товуш тасвири ўрнига кичик авлод (муайян сўзларда ва муайян ўринларда) бир турдаги товуш тасвирини тасаввур қилади. Рус тилидаги Ц+Ч=Ц ҳолатлари (+ белгиси конвергенцияни билдириб конвергентлар ўзртасида ишлатилади, = белгиси эса рефлекс олдида ишлатилмоқда) бунга мисол бўла олади.

Фонацион тежамкорлик ва тафаккур тежамкорлиги муносабатларини инобатга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бир қарашда фонетик

конвергенциялар тежамкорликнинг умумий тамойилларига зид кўринсада, аслида мазкур ҳолатларда фонцион тежамкорликка зид ҳолда психик фаолият тежамкорлиги намоён бўлади.

Фонетик конвергенциялар назарияси фонетик эволюция тўғрисидаги таълимотнинг бир бўлими сифатида, умуман олганда, лингвистик тарихшунослик фанига ичида ўрганилади. Мазкур назария тилдаги ўзгаришларнинг энг асосий қисмини тадқиқ қилади.

Шу билан бирга, конвергенция ҳодисаси икки фонеманинг физик жиҳатдан фақатгина мос тушиши эмас, балки катта авлод вакиллари тафаккурида алоҳида-алоҳида фонемалар сифатида тасаввур қилинган икки товуш тасвирининг бир бирига тенглаштирилишининг реал психик акти деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ индивидуал психология нуқтаи назаридан катта авлод вакиллари тилида фарқланган икки фонеманинг тенглаштирилиши билан конвергенция ўртасида ҳеч қандай тафовут бўлиши мумкин эмас. Демак, конвергенция тушунчаси бу психологик эмас, балки - тарихий-фонетик ҳодиса, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Чунки, кичик авлод вакиллари ҳали бу жараёни ўз тафаккуридан ўтказмайди, бу жараён тарихчи-лингвист томонидан тилнинг фонетик тафаккури эволюциясидаги икки хронологик даврни солиштириш натижасида аниқланади. Шунинг учун ҳам конвергенция назариясининг вазифаси конвергентларни аниқловчи қонунларни, шунингдек, уларнинг воқеланиш шартларини ишлаб чиқиш билан белгиланади. Умуман олганда, табиатан мазкур категория шуниси билан характерланадики, унда фонетик тизимнинг товуш талаффузидаги мураккабликдан қулайликка интилиши хусусияти хосдир. Бу қулайликлар шу усулда тилнинг фонетик тизимига кириб боради.

Бу турдаги тез тез такрорланиб турадиган конвергенциялар икки хил фонетик тизимнинг бир бири билан кесишганида ҳам кузатилади. Чет тилдан ўзлашиш жараёнида сўзлардаги ғайритабiiй товушлар талаффузда

қийинчилик келтириб чиқарганлиги боис, она тилида мавжуд шунга мос товушлар билан алмаштирилади. Масалан, ўзбек ва қирғиз тилларига форс тилидан кириб келган **f** товуши **p** товушига ўзгартирилган (*fil* → ўзб. *pil*).

Авлодлар алмашинуви жараёнида тил ҳам алмашади. Кичик авлод вакиллари ўзидан олдинги авлоднинг нутқ амалиёти давомида қўллаб "эскирган" сўзларини (шу билан бирга, сўзнинг таркибий қисми бўлган товушларнинг ҳам) "бошланғич шакл" сифатида қабул қилади, кейин эса "эскириш" жараёни олдинги авлод вакиллари томонидан "эскиртирилган" шаклдан давом этаверади. Бу жараённинг хусусияти фонацияни енгиллаштиришни намоён этади, яъни эволюция мураккабдан осонга томон йўналтирилган бўлади. Қиёсланг: х.-е. \* *esti* → лот. *est* → франц. *e* [-e(st)], бунда эволюция жараёни фонацион энергия тежамкорлиги чизиғи бўйлаб боради.

Шундай қилиб, фонетик ўзгаришларнинг икки турли йўналишга эга хусусиятидан келиб чиққан ҳолда икки хил фонетик тежамкорликни фарқлашимиз мумкин: 1) соф фонацион тежамкорлик (айрим манбаларда талаффуз қулайлиги деб ҳам юритилади) - ҳар бир нутқ актида намоён бўлади ва фонетик моҳиятга эга эмас, ва 2) психик фаолият тежамкорлиги - бу ҳам нутқ амалиётидан импульс олиши мумкин, бироқ мазкур фонеманинг ёки фонема комплексининг нутқда учратиш частотасининг статистик баҳосига боғлиқ. Юқорида келтирилган аттик конвергенция ана шу сабаблар билан изоҳланади.

Тежамкорлик принципини барча товуш, соф фонетик, ўзгаришларида қулайликка, нисбатан қийин талаффузли товушларнинг йўқолиши ёхуд қулай таффулиларига алмаштиришга бўлган интилиш орқали ифодаланувчи энг асосий йўналишга эга фонетик ҳодисалар таҳлилида кузатамиз. Мазкур жараён қуйидагича кечади: кучсизланиб бораётган фонемалар авлоддан авлодга етказилаётган вақтда кичик авлод вакиллари томонидан аввалбошда

хар доим талаффуз қилинади, кейинчалик улар фақат тафаккурда бўлади, бироқ талаффуз қилинмайди, ва ниҳоят янада кучсизланиб узил-кесил тил марказидан йўқолади.

Тилнинг тежамкорликка интилишини талаффуз фаолиятлари қуйидан ва орқадан олдинга томон тадрижий ҳаркатланишида кўришимиз мумкин. Ташқи талаффузнинг бундай ҳаракатланиши - бу жиддий енгиллаштириш сифатида баҳоланади. Нутқ ҳаракатларини қуйида ва орқада ётган худудлардан кўра олдинда ва юқорида камроқ кучланиш, аммо кўпроқ аниқликда осонгина бажариш мумкин. Масалан, дастлаб барча тилларда нафас чиқариш билан талаффуз қилинадиган (придыхательный) ундошлар кўпчиликни ташкил этган. Улар аста секинлик билан бошқаларига ўз ўрнини бўшатиб берган (қиёсланг: инг. *hwat* → *what* [*wot*], нем. *hl, hr* → *l, r* ва ҳ.к.). Худди шунингдек, агар авваллари артикуляцияда бўғиз асосий ролни ўйнаган бўлса, кейинчалик унинг фаолияти камайиб, талаффуз ўрни бора-бора оғиз бўшлиғига кўчди. Товуш ҳосил қилиш ҳаракатларининг асосий салмоғи тилнинг орқа қисмида содир бўлган, чунки, антропологлар маълумотларига қараганда, ғор одамнинг ияк бўртмачаси жуда бўш ривожланганлиги сабабли ияк-тил мушаклари ҳаракати жуда кучсиз бўлганлиги мумкин. шунинг учун ҳам ғор одамнинг тилолди қисмининг талаффуздаги иштироки қарийб нольга тенглаштирилади.

Нутқ фаолиятижараёнида талаффуз аппаратидаги пастдан юқorigа, орқадан олдинга томон тадрижий ҳаракатланиш тилнинг доимий прогрессияси аломати, инсоннинг талаффуз жараёнларини ҳам, эшитишни ҳам қулайлаштиришга бўлган интилишининг ифодаси сифатида баҳоланади. Кўриниб турибдики, бунда юқори ва олдинги органлар ишлаш қобилятининг жадаллаштирилиши улардаги яққоллик, аниқлилик ва ифодалилик билан изоҳланади.

### 3.3. Нутқ тежамкорлиги тамойилининг комбинатор ва позицион ўзгаришларда ифодаланиши

Тиллар тарихида тилнинг тилорқа товуш ҳосил қилиши ишларининг тиолди товушларига алмаштирилганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, лотин тилидаги тилорқа [к] товуши бир қанча ҳолатларда француз тилида тилолди [tS] товушига ўзгарган: *canis* → *chien*; *camera* → *chambre*; *causa* → *chose* ва ҳоказо. Худди шундай мисолларни инглиз тили тарихидан ҳам олиш мумкин: *cild* - *child*, *cēosan* - *choose* ва б. Шунингдек, тилдаги товушларининг айрим комбинатор ўзгаришларни ҳам келтириш мумкин. Шу асосда, К, Г товушлари бир қатор тилларда Ч, Ж товушларига, ёки Ц, ДЗ, ёки Т, Д товушларига ўзгарган. Масалан, рус тилидаги *паутина* (*паук*), *тисть* (*кисть*), *андел* (*ангел*) ва б. сўзлардаги, лотинча сўзларнинг немис тилидаги кўринишлари талаффузида: *cicero*, *cecini*, *facere*, *facit* ва б. товуш ўзгаришларини шунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳар хил тиллар тарихидан олинган мисоллар шуни кўрсатадики, товуш бирикмасидаги муайян вақт оралиғида талаффуз қийинчилиги, товуш ҳосил қилишнинг ноаниқчилиги ва норавшанлиги янада енгилроқ ва оддийроқ талаффузли товушларга алмашинишига сабаб бўлади.

Тилнинг тараққий қилишига сабаб бўлувчи умумий факторлар ичида қулайликка бўлган интилиш ётади. Бу интилиш 1) қийин талаффузли товуш ёки товуш бирикмаларининг мушак ва асаб ҳаракатларини тежаш мақсадида осонларига алмаштирилиши, 2) шаклларни соддалаштиришига бўлган интилиш (кучлиларнинг кучсизларга таъсири аналогияси) 3) бўлинган (чалғиган) фикр ҳаракатини енгиллаштириш мақсадида конкретликдан мавҳумлик томон ўзгариш орқали ифодаланади. Шуниси аҳамиятлики, тежамкорлик тамойили (яъни, тежамкорликка интилиш, қулайлик томон ҳаракат, талаффузни енгиллаштириш) фақат физиологик фаолият худудида таъсир қилмай, ақлий фаолият тежамкорлигида ҳам ўзини намоён этади. Шунинг ҳам тилнинг тараққиётига таъсир этувчи кучлар қаторига бўлинган

фикр ҳаракатини енгиллаштиришга олиб келувчи кучларни ҳам киритамиз. Бунда биз, О.Есперсен ва бошқа олимларнинг тежамкорлик тамойилига берган таърифларидан ҳам аниқроқ таъриф бера олган тилшунос олим И.А.Бодуэн де Куртене таълимотига таянган ҳолда тежамкорлик тамойилига тафаккур актлари тежамкорлиги сифатида ёндашамиз.

Тилнинг фонетик тизими турғун ва муқим эмас. Бироқ ҳамма товушлар ҳам бир вақтда ва бирдек ўзгармайди. Қайсилари қисқа вақт оралиғида ўзгаришга учраши, қайси эса узоқ давр мобайнида бирор сезиларли ўзгаришсиз қўлланилиши мумкин. Шунга кўра, фонемаларнинг икки хилдаги тарихий ўзгаришларини кузатамиз: 1) ё муайян йўналишдаги ўзгаришларнинг бошланғия импульси фонема структурасининг ўзида ётади (спонтан ўзгаришлар) 2) ёки мазкур фонема сўз ёки ҳатто гап таркибидаги бошқа фонемалар билан фонетик қўшничилик таъсирида ўзгаради (комбинатор ўзгаришлар).

Спонтан ва комбинатор ўзгаришлар ўтасида тафовут чизиғини ўтказиш бироз мушкул. Негаки, аввал комбинатор ўзгариш сабабли ўзгарган фонемалар кейинчалик мустақил фонемаларга айланиб соф спонтан шаклда муайян йўналиш бўйлаб ўзгариб боради. Масалан, рус тилидаги "вёз", "лёд" ва б. сўзлардаги илк ундош фонемалар "е" товушига қўшничилиги сабабли палатализацияга учраган, "е" товуши ўзининг юмшоқлик хусусиятини ўзидан олдинги товушга ўтказган (гарчи ўзи кейинчалик ўзидан кейинги товуш таъсирига учраб «е» → «о»га ўзгарган), аммо иккинчи турдаги ўзгаришга учраб (комбинатор ўзгариш) улар эндиликда мустақил фонемалар сифатида ривожланмоқдалар ва соф спонтан характерли ўзгаришга дохил бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган лисоний ўзгаришлар табиатининг уч турдаги йўналиши ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Нутқ органларини фаоллаштирувчи мушаклар ҳаракатидаги тежамкорликка интилиш самараси ўлароқ содир бўлувчи талаффуздаги, фонациядаги ўзгаришларни диссимилияция ҳодисаси орқали тушунтириш мумкин.

Маълумки, бир сўз таркибидаги икки қўшни бўғинда жойлашган Л ва Р товушлари талаффузи муайян қийинчилик келтириб чиқаради. Шу сабабли тил бундай қийинчиликни бартараф этишга ҳаракат қилади. Бу эса иккала Р дан бирининг Л га, иккала Л дан бирининг Р га ўзгариши орқали амалга ошади.

Диссимилияция ҳодисасини кўпроқ халқ сўзлашув тилида учратиш мумкин: *лекрут* → *рекрут*, *секлетарь* → *секретарь* ва б.

Эволюция назарияси масаласи ва шу жумладан, тежамкорлик тамойили муаммоси ечимида шунини қайд этиб ўтиш лозимки, фонацион ҳаракат тежамкорлигига интилиш натижаси сифатида тилдаги исталган содалаштириш ёки қисқартириш келтирилиши мумкин. Бироқ бу қисқартириш ёки содалаштириш марказий мия фаолияти томонидан тўсқинликка учрамаган тақдирда содир бўлади. Агар бундай тўсқинлик мавжуд бўлса, ҳеч қандай содалаштириш ва қисқартириш кузатилмайди. Тежамкорлик тамойили учун бу хусусият ўта муҳим ҳисобланади. Чунки, тилдаги тежамкорлик тамойили доимо нотежамкорлик (ортиқчалик) билан зиддиятда туради. Бу иккала кучнинг ўзаро муносабатини умумлисоний тенденциялар сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар ҳар бир тил эволюциясининг динамик характерини изоҳлаб беради.

Тилда товушлар қисқаруви (масалан, унлилар) агар улар ортиқчалик касб этсагина, коммуникативлик жиҳатдан кераксиз бўлсагина содир бўлади, бошқача айтганда, уларнинг йўқолиши тингловчи томонидан сўзни тушуниб олишда қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Тез-тез қўлланиладиган ва натижада кўп энергия сарфлашни талаб қиладиган сўзлар талаффузида айниқса кучли қисқаришлар юзага келади: қиёсланг: инг. *I am - I'm, going to - gonna, want to - wanna, hello - hi, hey*; ўзб. *келяпман - келопман, кевомман*; рус. *грит - говорит, чёк - человек, сударь - государь*.

Шундай қилиб, тил эволюциясига оид қарашларни умумлаштирган ҳолда, шуни қайд этиб ўтиш мумкинки, тилдаги ўзгаришлар талаффуз жараёнида иштирок этувчи мушаклар ҳаракати, нерв томирлари ва марказия мия фаолияти тежамкорлиги натижасида содир бўлади. Албатта бу умумий ҳулосалар, бироқ лисоний ўзгаришлар манзарасига яна бир хусусиятни қўшиб қўйиш муҳимки, бу ўзгаришлар доимий ва уларнинг чек-чегараси бўлмайди; бу ўзгаришлар турли даврларда ва турли жойларда бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бироқ барча инсонларга хос психик ва физик ҳолатга боғлиқ ҳолда бир хилда такрорланаверади, шунингдек бу ўзгаришлар учун тилнинг ривожига таъсир кўрсатувчи шароитларнинг тасодифий ўхшашлиги ҳам муҳимдир; бу ўзгаришлар нафақат муайян тилнинг тарихий узлуксизлигидаги тўхтовсиз янгиланишларни, балки бир хил монолит тилнинг бир неча қариндош шахобчаларга ажралишини, шунингдек, бутун тил қурилиши, яъни тил структурасининг қайта шаклланишини англаш учун хизмат қилади.

Бу ўзгаришлар мунтазам ва абадийдир, зеро, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар мунтазам ва абадийдир.

### **3-боб бўйича хулоса**

Товуш ўзгаришларининг табиатини таҳлил қиларканмиз шуни қайд этиб ўтиш жозики,

- бу ўзгаришлар доимий ва уларнинг чек-чегараси бўлмайди;

- бу ўзгаришлар турли даврларда ва турли жойларда бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бироқ барча инсонларга хос психик ва физик ҳолатга боғлиқ ҳолда бир хилда такрорланаверади, шунингдек бу ўзгаришлар учун тилнинг ривожига таъсир кўрсатувчи шароитларнинг тасодифий ўхшашлиги ҳам муҳимдир;

- бу ўзгаришлар нафақат муайян тилнинг тарихий узлуксизлигидаги тўхтовсиз янгиланишларни, балки бир хил монолит тилнинг бир неча қариндош шаҳобчаларга ажралишини, шунингдек, бутун тил қурилиши, яъни тил структурасининг қайта шаклланишини англаш учун хизмат қилади.

Демакки, тил эволюцияси жараёнида тадрижийлик ва вақт кетма-кетлиги асосий тушушунчалар ҳисобланади. Мазкур бобда таҳлил қилинган товуш ўзгаришларида фонацион энергия тежамкорлигининг роли, жумладан, ундошлар талаффузида товуш ўзгаришининг сабаблари, фонетик конвергенция ва дивергенция ҳодисаларида тил тежамкорлиги омили, нутқ тежамкорлиги тамойилининг комбинатор ва позицион ўзгаришларда ифодаланишида келтирилган фактик материал шундан далолат берадики, лисоний ўзгаришларнинг асосий сабабларидан бири бу нутқдаги тежамкорлик тамойилининг таъсиридир.

Тежамкорлик тамойили фонацион энергия, аудиция ва тафаккур тежамкорлиги ҳамда уларнинг ўзаро мунасосбатида намоён бўлади. тежамкорлик ҳақида сўз борганда фақат фонацион ёки аудиция тежамкорлиги ёхуд тафаккур тежамкорлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Тежамкорликнинг ҳар бир тури бошқалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади, таҳлил қилинади. Зеро, фонацион энергиянинг ҳаракати агар фикрлаш фаолиятига зиён етказадиган бўлса, бундай тежамкорлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Лисоний ўзгаришлар сабабларидан бири сифатида болалар томонидан катталар тилининг ўзлаштирилиши жараёни тилга олинади. Болалар оналарининг тилини ўзлаштираётганда ноқулай товуш бирикмаларидан айланиб ўтиб уларни қулайроқларига ўзгартиришга интилиши кузатилади.

Болалар тилидаги бундай тенденция вақт ўтиши билан (бир неча авлоддан кейин) тилда тарихий ўзгаришларга олиб келади.

Бу фикрлар мазкур тежамкорлик устида чуқур изланишлар олиб орган И.А.Бодуэн де Куртене ва унинг издоши Е.Д.Поливанов каби етук олимлар томонидан илгари сурилади. Тадқиқотимиз натижалари ушбу ғояларни яна бир карра фактик материаллар орқали исботлади.

Барча товуш ўзгаришларининг асосий интилиши ифодаланган фонетик ходисалар замирида тежамкорлик тамойили ётади, яъни тил қулайликка интилади, қийин талаффузга эга товушлар осонроқларига алмаштирилади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида талаффуз фаолиятларининг қуйидан ва орқадан олдинга томон тадрижий ҳаркатланишида кўришимиз мумкин. Мазкур ғоя турли таллардан олинган мисоллар орқали мустаҳкамланди.

Шаклларнинг соддалаштирилишга бўлган интилишисиз тилнинг ривожланишини тасаввур қилиб бўлмаслиги тежамкорлик тамойили назарияси асосини ташкил этади.

Фонетик тежамкорлик ҳақида сўз борар экан шуни унутмаслик лозимки, тежамкорлик тамойили тилнинг барча сатҳларида амал қилади. Фонетик тежамкорлик лексик, морфологик, ва синтактик тежамкорлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади. Шунингдек, тилнинг ривожланиши учун тил сатҳларидаги тежамкорликлардан ташқари фикрнинг (тафаккурнинг) бўлинган ҳаракатини енгиллаштиришга олиб борувчи кучларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

## ХУЛОСА

XX -XXI аср бошларидаги лисоний назариялар қайсидир даражада Ф.де Соссюрнинг белгилар концепциясидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Маълумки, бу назария ўзида объектнинг қутбий номуносив хусусиятларининг тўқнашувини жамловчи бир қанча қарама-қаршиликларни акс эттиради. Жумладан, "белгининг ўзгарувчанлиги" тамойили - меъёрий тизим таълимоти билан мос келмайди, "белгининг эркинлиги" принципи - "қиймат" [valeur] назариясига зид бўлса, белгининг икки томони актуализациясининг психологияси яна бир англашилмовчиликка сабаб бўлади: агар белги тушунча ва акустик образ яхлитлиги бўлса, унда унинг ўрни тил тизимида ўз асосига эга. Бир томондан, белги - бу барқарор ҳодиса, бошқа томондан эса, трансформацияга учраши, ўзгарувчанликка мойиллиги ва шунга ўхшаш хислатлари йиғиндиси билан тилдаги айнан шундай объект пировард натижада лисоний ўзгарувчанликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу билан бир қаторда замонавий тилшунослик тилнинг қурилиш хусусиятларини ўрганишдан унинг функциявий хусусиятларини ўрганишга урғу бериши билан характерланади.

Тилшунослик фанининг етук олимлари ўз асарларида тил эволюцияси жараёнида тадрижийлик ва вақт кетма-кетлиги мавжудлигини қайд этган ҳолда тилдаги ўзгаришларни нутқ тежамкорлиги тамойили билан боғлайди. Тилнинг тўхтовсиз ривожланишда эканлиги ва бу жараёнда лексик, фонетик ва грамматик ўзгаришлар содир бўлиши тил қонуниятларини белгилашда ўта муҳим ҳисобланади. Бунда тил нутқ жараёнида нафақат жисмоний балки аклий ҳаракатларни минимум даражага келтиришга интилади. Зеро, лисоний ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида инсоннинг мулоқот эҳтиёжлари ва жисмоний ҳамда аклий ҳаракатларни минимум даражага келтиришга интилиш ўртасида доимий зиддият мавжуд.

Лисоний ўзгаришларнинг умумий сабаблари сифатида тежамкорлик муаммоси ечимида концептуал тадқиқотлар олиб борган олимлар фикрига таянган ҳолда тил ҳаракатининг 3 хил йўналиши аниқланди: 1) марказдан ташқарига ҳаракат, 2) ташқаридан марказга томон, 3) лисоний тафаккур. Шундан келиб чиқиб қуйидагича хулоса илгари сурилади: модомики тилдаги ҳар қандай ўзгаришлар куч сарфланишининг тежамкорлиги, интилиш ва ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги сабабли содир бўлар экан, инсон ақлининг фаолияти юқорида кўрсатилган 3 йўналиш қуйидагилардан бирининг тежамкорлиги самараси ўлароқ содир бўлади: 1) талаффуз 2) тинглаш 3) марказий мия фаолияти. Бодуэн де Куртенэ ва унинг издошлари таълимотини қўллаб қувватлаган ҳолда биз ҳам тилшунос томонидан кўрсатиб ўтилган тил фаолияти ва тил ўзгаришларига оид мазкур 3 йўналиш бир хил натижага эришиш учун бир бири билан ҳар замон кесишиб туради, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли қайси нутқ акти бўлмасин, барчасида лисоний фаолиятнинг шу уч йўналиши намоён бўлади.

Тежамкорлик тамойили сўзлашув нутқида мазмунни сақлаган ҳолда маъно англатувчи элементларнинг миқдорий қисқариши орқали ифодаланади. Мажбурий компонентнинг бартараф этилиши ва ихтиёрий қисмларнинг киритилиши тил бирликларининг омонимик шакллари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин (масалан, сўзнинг бошланғич структур-семантик типидан фарқли ўлароқ бир хил формал таркибга эга сўзлар).

Талаффуз тежамкорлиги идрок имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бунда мазмун плани етакчи ҳисобланади. Айтайлик, товуш деформацияси то маънонинг бузилишига олиб келгунга қадар давом этиши мумкин. Мунтазам фонетик жараёнлар ва ўзгаришларда талаффуз ҳаракатлари тежамкорлигига, талаффуз қулайлигига бўлган интилиш натижаси намоён бўлади. Фонетик жараёнлар товуш синишларига олиб келадиги, бунинг натижасида ўзак ва аффиксларнинг ранго-ранг шакллари юзага келади. Бошқача айтганда, бу турдаги стандарт бузилишлари талаффуз қулайлигига бўлган интилиш самарасида содир бўлади.

Фонетик тизимдаги ўзгаришлар бошқа сатҳларни ҳам четлаб ўтмай қолмайди. Демак, морфологик эволюция фонетик тизим эволюцияси билан боғлиқ ҳолда рўйберади ва билъакс, фонетик ўзгаришлар морфологик ўзгаришларга олиб келади. Фонетик ва морфологик эволюциянинг бир бири билан ўзаро боғлиқлигига (мувофиқлашишга) ёрқин мисол тариқасида тилнинг олдинги таракқиёт даври билан ҳозирги, айниқса, ҳозирги нутқ жараёнининг солиштирилиши натижасида пайдо бўладиган тарихий-лисоний манзарани келтириш мумкин.

Фонетик жараёнлар ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тежамкорлик тамойили нуқтаи назаридан ўрганиш долзарблик касб этади.

Тилнинг ички фонетик тизимида содир бўладиган ўзгаришларни ва шунга мос ҳолда товушлар сонининг камайиши ёки ошиши орқали ифодаланадиган ўзгаришларни бир қарашда "мураккабдан осонга томон" тамойилига зиддек кўринувчи, аслида эса тилнинг соддалашишга бўлган интилиши муҳим роль ўйнайдиган ҳодисаларни ҳам тежамкорлик сифатида баҳолаш керак. Чунки, гарчи товуш ҳосил қилиш жараёнларида қисқартириш кузатилмаса-да, психик фаолиятда енгиллик асосий омил ҳисобланади.

Тил эволюцияси муаммоларининг ечимида товуш қонуниятларини аниқлаш ўта муҳим жараён эканлиги барчага маълум. Тил эволюцияси муаммосига доир изланишларда лисоний конвергенция ва дивергенция муносабатлари масалалари ечими шубҳасиз катта қизиқиш уйғотади. Фактик материал таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, конвергенция ва дивергенция каби фонетик ўзгаришлар мисолида талаффуз ҳаракатлари тежамкорлигининг икки хилдаги натижаси кузатилади. Бири икки фонеманинг бир фонемага бирлашиши (конвергенция) бўлса, иккинчиси бир фонеманинг икки мустақил фонемага бўлиниши(дивергенция)дир.

Сўз талаффузидаги қийинчиликни бартараф этиш, талаффузни енгиллаштириш тилга ташқи томондан уқтирилмайди. Бу - тилнинг ички,

табий хоссасидир, у тил тизимига ўрнатилган бўлиб, шу тизим томонидан бошқарилади. Ифода воситаларини тежаш қобилияти тилнинг мавжудлиги белгилайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Назарий

1. Каримов И.А. Без исторической памяти нет будущего // Своё будущее мы строим своими руками. –Ташкент: Ўзбекистон, 1999. –Т.7. –С.149-150.
2. Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа // Собр. соч. –Т.8. –Ташкент: Ўзбекистон, 2000. –С.322-340.
3. Национальная программа по подготовке кадров // Гармоничное развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. –Ташкент: Шарк, 1997. –С.31-61.
4. Амосова Н.Н. О синтаксическом контексте // Лексикографический сборник, вып.V. – М., 1962. –С.36-45.
5. Анипкина Л.Н. Оценочные высказывания в прагматическом аспекте // Филологические науки. – М., 2000. – №2. –С. 58-66.
6. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл: Логико-семантические проблемы. –М.: Наука, 1976. –383 с.
7. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: СЭ, 1969. –608 с.
8. Ашурова Д.У. Взаимодействие когнитивной лингвистики, стилистики и интерпретации текста // Филология масалалари. –Ташкент, 2003. –№2. –С.40.
9. Байчура У.Ш. О некоторых факторах языкового развития // Проблемы языкознания. –М.: Наука, 1967. –С. 100-116.
10. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1955. – 416 с.

11. Балли Ш. Французская стилистика. –М.: Изд-во иностр. лит., 1961. –394с.
12. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1966. –200 с.
13. Бенвенист Э. Общая лингвистика. –М.: Прогресс, 1974. –447 с.
14. Блумфилд Л. Язык. –М.: Прогресс, 1968. – 608 с.
15. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т.1. –384 с.; т.2. –391 с.
16. Борунова С.Н. Сочетания [Ш'Ч'] и [Ш'] на границах морфем // Развитие фонетики современного русского языка. –М.: Наука, 1966. –С.55-71.
17. Будагов Р.А. Проблемы развития языка. –М.-Л.: Наука, 1965. –73 с.
18. Бурсье Э. Основы романского языкознания. –М.: ИЛ, 1952. –672 с.
19. Бушуй А.М. Язык и действительность. –Ташкент: Фан, 2005. –144с.
20. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил курилиши: таҳлил методлари ва методологияси. –Тошкент: Фан, 2007. –274 б.
21. Вандриес Ж. Язык: Лингвистическое введение в историю. –М.: Соцэкгиз, 1937. – 410 с.
22. Вишнякова О.Д. Функционально-когнитивная парадигма как сфера концентрации лингвистической мысли в наступившем столетии // Филологические науки. –М., 2003. –№6. –С.36-42.
23. Добрушина Н.Р. Исследования средств выражения обратной связи в американской лингвистике // Вопросы языкознания. –М., 2000. –№1. –С.135-140.
24. Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике, вып.1. –М., 1960. –С. 264-389.
25. Емельянова Н.А. Дискурсивные слова как средство организации устного общения в английском языке // Филологические науки. –М., 2001. – №5. –С. 70-77.
26. Есперсен О. Философия грамматики. –М.: Изд-во иностр. лит., 1958. – 404 с.

27. Измestьева И.А. О системности и причинно-следственных связях звуковых изменений // Филологические науки. –М., 2005. – №3. –С. 80-88.
28. Иофик Л.Л. (Ред.) Структурный синтаксис английского языка. – Л.: ЛГУ, 1972. –175 с.
29. Ломтев Т.П. Основы синтаксиса современного русского языка. – М.: Учпедгиз, 1958. –166 с.
30. Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях. –М.: ИИЛ, 1960. –261с.
31. Мартине А. О книге «Основы лингвистической теории Луи Ельмслева» // Новое в лингвистике, вып.1. –М., 1960а. –С.437-462.
32. Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып. III. –М., 1963. –С.366-566.
33. Махкамов Н. Аффиксальный и лексико-аффиксальный плеоназм в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент. 1983. –22 с.
34. Махмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент. 1978. –25 с.
35. Назаров А.И. Неполные предложения, условия их употребления и структуры: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пенза: ПГПИ, 1990. –24 с.
36. Назаров А.И. Неполные предложения и их границы // Учёные записки Пензенского пед. ин-та, вып.1. –Пенза, 1993. –С.24-28.
37. Нещименко Г.П. Динамика речевого стандарта современной публичной вербальной коммуникации: Проблемы. Тенденции развития // Вопросы языкознания. –М., 2001. –№1. –С.98-132.
38. Нурмонов А.Н. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент. 1973. –21 с.
39. Пауль Г. Принципы истории языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1960. –500 с.
40. Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. – Л., 1928а. – VI + 220с.

41. Поливанов Е.Д. Задачи социальной диалектологии русского языка // Родной язык и литература в трудовой школе. –М., 1928б. –№2. –С.39-49; - №4-5. –С. 68-76.
42. Поливанов Е.Д. Русский язык сегодняшнего дня // Литература, кн.4 [Институт языка и литературы]. –М.: Госиздат, 1928в. –С.167-180.
43. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Ташкент: Госиздат, 1934. –182 с.
44. Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. – Вып.1. – Введение. –Ташкент: Госиздат, 1935. – 48 с.
45. Поливанов Е.Д. Фонетические конвергенции // Вопросы языкознания. –М., 1957. – №3. –С.77-83.
46. Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –376 с.
47. Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике // Филологические науки. –М., 2004. –№5. –С.24-33.
48. Попова И.А. Неполные предложения в современном русском языке // Труды Института языкознания, т.2. –М., 1953. –С.120-140.
49. Потенция А.А. Из записок по русской грамматике. –т.Ш. –М.: Просвещение, 1968. – 551 с.
50. Почепцов Г.Г. Конструктивный анализ структуры предложения. – Киев: «Вища школа», 1971. –191 с.
51. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. –Ташкент: Фан., 2005. –268с.
52. Самгар В.Н. Сферы регуляции и нормы речевого поведения // Филологические науки. –М., 2003. –№3. –С.61-67.
53. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: «Сангзор», 2006. – 92 б.
54. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. –286 б.

55. Сепир Э. Язык: Введение в изучение речи. –М.-Л.: Соцэкгиз, 1934. – 222 с.
56. Серебренников Б.А. К проблеме сущности языка // Общее языкознание. –М.: Наука, 1970. –С. 302-307.
57. Сильман Т.И. Отбор языковых средств и вопросы стиля // Вопросы языкознания. –М., 1965. -№4. –С. 80-92.
58. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. –М.: Изд-во иностр. лит., 1957. –286 с.
59. .
60. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. –М.: Прогресс, 1977. –696с.
61. Шафиков С.Г. Категории и концепты в лингвистике // Вопросы языкознания. –М., 2007. – №2. –С.3-17.
62. Шведова Н.Ю. Активные процессы в современном русском синтаксисе (Словосочетание). –М.: Просвещение, 1966. –156 с.
63. Abduazizov A.A. English Phonetics. A theoretical course. Tashkent: NUU, 2006. –256 p.
64. Bach E. Nouns and noun phrases // Universals in linguistic theory. – New York: Holt, Rinehart and Winston, 1998.
65. Bach K., Harnish R.M. Linguistic Communication and Speech Acts. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 2004. – 412 p.
66. Bushuy T. Umumiy tilshunoslik. –O’quv qo’llanma. –Samarqand: SamDChTI, 2002. –50 b.
67. Bushuy, Tatyana. Til tizimi va qurilmasi. –Samarqand: SamDChTI, 2004. –50 b.
68. Crystal D. Prosodic Systems and Intonation in English. –Cambridge: Cambridge University Press, 1999. – 469 p.
69. Hockett Ch. A course in Modern Linguistics. –New York: The Macmillan Company, 2008. –621 p.
70. Huddleston R.D. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge etc.: Cambridge University Press, 2002. – 499 p.

71. Ilyish B. The Structure of Modern English. -M.-L.: Просвещение, 1971. –366 p.

72. Jacobs R.A. Promotion and thematization processes in English, or, how to get a head // Papers from the parasession on functionalism. – London: Longman, 2000. – P.223-231

73. Martinet A. A functional view of language. –Oxford: University Press, 1962. -488p.

74. Moessner I. The English active verbal syntagm: A functional diachronic approach // Acta Soc. linguisticae europaeae. Folia linguistica historica. – Amsterdam, 2006. – T.7, №1. – P. 151-165.

75. Moon A.R. Functional Grammar. –London: Edw. Arnold, 2008. –207p.

76. Morris C.W. Writings on the General Theory of Signs. –The Hague: Mouton, 2000. – 424 p.

77. Penelope, Julia. Speaking freely: Unlearning the lies of the fathers' tongues. –New York: Garland, 2003. –380 p.

78. Quirk R. A Grammar of Contemporary English. -3<sup>rd</sup> ed. –London: Longman, 1993. –1081 p.

79. Rosenbaum P. The Grammar of English Predicate Complement Constructions. – Cambridge, Mass., 1997. – 388 p.

80. Searle J.R. Speech Acts. –Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – 496 p.

81. Shopen, Timothy. Language typology and syntactic description. – Vol. 1: Clause structure / Ed. by Timothy Shopen. –Cambridge etc.: Cambridge Univ. Press, 1995. –399 p.

82. Stein D. The semantics of syntactic change: Aspects of the evolution of “do” in English. – Berlin; New York: Mouton de Gruyter, 1990. – XIII, 444 p.

## **2. Матнлар**

1. Appleby J. The Arms of Venus. – New York, 1996. – 440p.

2. Arden John. Live Like Pigs. – London, 1996. – 290 p.

3. Braine John. Room at the Top. – New York, 1997. – 344 p.

4. Brontë E. Wuthering Heights. – London: Pan, 2007. – 240 p.
5. Christie A. Lord Edgeware Dies. – London, 1994. –390 p.
6. Christie A. Sing a Song of Sixpence. – London, 1995. – 450 p.
7. Christie A. Selected Stories. –Moscow, 1999. – 520 p.
8. Dreiser Th. An American Tragedy. –M.: XЛ, 1988. – 724 p.
9. Dreiser Th. The Financier. –M.: Foreign Languages Publ. House, 1984. – 524 p.
10. Maurier D. du. Rebecca. – London, 1996. –488 p.
11. Mitchel M. Gone with the Wind. – New York: Signet Classic, 1990. – 1011 p.
12. Thurston T. The City of Beautiful Nonsense. – London, 2002. – 488 p.
13. Walsmley Leo. Foreignness. –London, 2005. –370 p.
14. Warren R.P. All the King’s men. –Moscow: Progress Publishers, 1979. –370 p.
15. Wilde O. The Picture of Dorian Grey. –London: Penguin Books, 1994. –256 p.

### **3. Интернет манбалари:**

1. <http://www.lib.csu.ru/vch/143/012.pdf>
2. [http://www.ontolingva.ru/ceytlin\\_stroyen\\_pr.pdf](http://www.ontolingva.ru/ceytlin_stroyen_pr.pdf)
3. <http://www.dissercat.com/content/ellipsis-v-sovremennom-frantsuzskom-yazyke>
4. <http://mytts.forum2x2.ru/t251-topic>
5. <http://www.raai.org/about/persons/khakhalin/pages/kii2002.doc>
6. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/174161>
7. <http://www.iitp.ru/ru/users/536/publications/>